

МЕНИ ЙИГЛАТМА, ХАЁТ!

(шерър ва афоризмлар тўплами)

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 -

К-33

Қаюм, Аҳад

Мени йиглатма, ҳаёт! : (шевърлар ва афоризмлар тўплами) / А.Қаюм –Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. – 112 б.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Бир шоир айтганидек, ҳаёт деб атагиши Буюк Устоз кимгадир қанд берса, кимгадир панд беради. Унинг синовларига беғубор кўнглини аваилаб кўтариб юрган ёшларнинг ҳаммаси ҳам чидай олмайди. Айнан, шу тенгдошлирига далда бўлиш учун Аҳад Қаюм уларнинг номидан барча дардларни тўкиб солади. Ҳа, бу ҳиссии дардларнинг кўпи қадим замондан ҳозирги вақтгача турли шаклда турланиб, тусланиб қогозларга тушиб келмоқда. Аҳад Қаюм эса ана шу дардни эритадиган, оддий турмуш ташвишидек кўрингани билан төглар ҳам кўтаролмайдиган ички кечинмаларни ўзига хос равишда қогозга туширган, холос. Аслида лирика, шеър шу эмасми?!

Аҳад Қаюмнинг бу китобини ҳам кўпчилик муҳлислар интизор бўлиб кутмоқда. Марҳамат, унинг шеърияти билан ошни бўлинг, азиз ёшилар!

Нашрга тайёрловчи: Вали БОБОМУРОД.

Тақризчи: Набижон ҲОШИМОВ – Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси, адаби.

ISBN 978-9943-20-158-3

© Аҳад Қаюм

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2013

БАХТИНГ КАЛИТИНИ ТОПГИН, АЗИЗИМ

Ҳаёт күчалари бунча төр экан,
Пасту баландига чидаш бор экан.
Тупроқда тиканзор, тоғлар қор экан,
Орзулар ортидан чолгин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.

Япроқ эдим, излаб илдизни топдим,
Дарё бўлиб оқдим, денгизни топдим.
Осмонга тикилиб, юлдузни топдим,
Армонлар эшигин ёпгин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.

Шоқол ҳам ўзини бўриман, дейди,
Қаранглар, ўрмонда зўриман дейди.
Мардлар мақтанишдан наriman, дейди,
Яхшилар изларин ўпгин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.

Севги нима, севги ширин эртакдир,
Кимларга афсона, кимга тилақдир.
Ҳаёт бўлак экан, хаёл бўлакдир,
Жуфтингни излагин кутгин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.

Ота-онанг бахти сенинг бахтингдир,
Ватаннинг тинчлиги сенинг таҳтингдир.
Яна нима керак, эй, Аҳад Қаюм,
Мухлисларнинг меҳри, сенинг қадрингдир.
Хотирлаб аждодлар хокин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.

Ҳаёт күчалари бунча төр экан,
Пасту баландига чидаш бор экан.
Тупроқда тиканзор, тоғлар қор экан,
Орзулар ортидан чолгин, азизим,
Бахтинг калитини топгин, азизим.



ЯҚИН ЎТМИШ

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Ёмон қийналганман ҳаёт йўлида.
Душманларимдан-ку менинг кўнглим тўқ,
Ишончлар йиглади дўстим қўлида!

Нетай, мен бирорга ўхшаёлмасам,
Кимларгadir қараб яшаёлмасам.
Қорани бу оқ деб, йўқни бор қилиб,
Нодонни яхши деб мақтаёлмасам...

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Бахтсиз сарсон ўтди қанча йилларим.
Очлик юпунликда иссиқми, совуқ,
Омадсиздай эди барча йўлларим.

Бир кун жаҳлим чиқди!
Йиғлаб юбордим,
Наҳотки, шунчалар бахтсиз одамман.
Отамдан бир оз пул сўраб ёлвордим,
Наҳотки, шунга ҳам ҳақсиз одамман.

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Икки кунда бир ҳам овқатланмасдан.
Бир кунда иккита китоб ўқирдим,
Жонимни қийнардим, атайлаб, қасдан.

Кунлар ўтар эди шундай судралиб,
Энг арzon ижара уйлардан безиб.
Бир куни бор-ей деб юкларим олиб,
Қишлоғимга қайтдим умидим узиб.

Ота, дедим, энди ҳаммаси тамом,
На шоир, на актёр, на одам бўлдим.
Математик бўлсин, деганди бобом,
Ўзимни бекорга оловга урдим.

Отам менга раҳм қилмай қўйганди,
Ол деди, қўлимга кетмонни тутиб.
Бу роль ўйнаш эмас, қўшиқчиликмас,
Талтайиб кетибсан шаҳарда юриб...

Алам қилиб кетди,
Ичимга ютдим.
Отамнинг нигоҳи дилга санчди ўқ.
Ўша кун даладан шеър ёзиб қайтдим,
Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ.

Менга қараб учта синглим йиғларди,
Онам қийналарди ҳолимга қараб.
Мени севган ўша актриса қиз,
Бир бора ортимдан бормади сўраб...

Бирор иш топайлик, дедим бувимга,
Бувим деди: уйлан, ана сенга иш.
Бувимнинг айтганин қилсам бўларкан,
Бувим ўтиб қолди, келмасидан қиш.

Худога таваккал қилдим сўнг яна,
Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмадим.
Бир даста шеъримни қучоқлаб мана,
Ортга қайтдим, сўнг бор синай омадим...

Шеърларим босмади бирор газета,
Эшигин очмади битта нашриёт.
Наҳотки, истеъодод йўқ эди менда,
Шаҳдимни синдирма, эй адабиёт.

Дилдаги гапларим,
Минглаб шеърларим,
Наҳотки, ҳеч кимга керак бўлмаса.
Бир қишлоқдан келган мендай актёр,
Омадин тополмай ночор йигласа.

Умидимни узиб режиссёрлардан,
Таниқли, таниқсиз санъаткорлардан.
Охир яна ортга қайтмоқчи эдим,
Жавоб келиб қолди бастакорлардан.

Бир нечта шеърларим қуйга солиниб,
Санъаткорлар ижро эта бошлади.
Исмим халқ, ичидә тилга олинниб,
Бошимдан буулуглар кета бошлади.

Күз очиб юмгунча яшин тезликда,
Омад тулпорида күрдим ўзимни.
Яратган шарманда қилмади, шукр,
Ўзи ёруғ қилди юзимни...

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Ўтмишимдан бутун йиглаб гапирсан.
Ортимга қарасам, юрагимда чўғ,
Рост бўлсин юракдан ўчиб кетган **FAM**.

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Ёш бошимдан ўтди қанча туҳматлар.
Қанча ноҳақлигу, қанча номардлик,
Кўнгил синдириши, қанча турбатлар.

Энди сиз ҳам менга ишонинг, ота,
Сизга ҳасратларим энди айтиш йўқ.
Ватаним деб катта йўлга чиққанман,
Ишонинг, ҳеч қачон ортга қайтиш йўқ...

Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ,
Ёмон қийналганман ҳаёт йўлида.
Душманларимдан-ку менинг кўнглим тўқ,
Ишончлар йиглади дўстим қўлида!

ҲАЁТ, МЕНГА ИМКОН БЕР, ҲАЁТ

Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт,
Тўсиқ қўйма менинг йўлимга.
Кимлигимни этайин исбот,
Ёмон ният йўқдир дилимга!

Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт,
Мени сотган номард дўстларим.
Сўраб келсин қўлимдан најот,
Очиб қўяй бир-бир кўзларин.

Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт,
Ёруғ қиласай отамнинг юзин.
Мен онамнинг кўнглин этай шод,
Менга ўзинг ёрдам бер, дўстим.

Ҳаёт, менга ёрдам бер, ҳаёт,
Ахир катта йўлга чиққанман.
Ярим йўлда тўхташ бу иснод,
Ииглатмагин, мен кимдан камман.

Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт,
Ҳамроҳ қилгин омад қушини.
Хаста руҳим этгил сен озод,
Эгма менинг йигит бошимни.

Учмадим мен зебу зийнатга,
Охир бориб қолмай гийбатга.
Чидаганман оғир меҳнатга,
Чидаганман ёлғон, тухматга.
Кўниб яшаб келдим қисматга,
Имкон бергин ўзинг Аҳадга!

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,
Ярим жоним ўйнама ҳаёт.
Ўзинг асра аёл макридан,
Мени бундай синама ҳаёт!

Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт,
Йигит умрим увол бўлмасин.
Орзуларим қилмагин барбод,
Душманларим эрта кулмасин.

Эрта бир кун ўлиб кетсан ҳам,
Муз қабримдан отилмай фарёд.
Мен розиман, қанча кутсан ҳам,
Ҳаёт, менга имкон бер, ҳаёт.

ЙИГЛАЙДИ КҮНГЛИМ

Йиглади хазон күнглим,
Ох, қадри арzon күнглим.
Ёмөнлардан чарчаган,
Бечора сарсон күнглим.

Топмайин бир меҳрибон,
Эзилиб яшар ҳамон.
Бир чин дўст излар ҳар он,
Менинг бағри қон күнглим.

Истасам, истамасам,
Дардкашим йўқ дард айтсам.
Ҳеч ким йўқ жойга кетсам,
Сиқилар ёмон күнглим.

Нега, ох, ахир, нега,
Бунчалар жабр менга.
Бегонаман мен сенга,
Тушунмай ҳайрон күнглим,

Ох, синган вайрон күнглим,
Тугаган яксон күнглим.
Яхшиларнинг ичидан,
Иzlайди имкон күнглим!

Менга керакмас бойлик,
Бўлса бас дўсти содик.
Ўз бўйига бир лойик,
Иzlайди инсон күнглим!

Бургин йўлингни бахтга,
Кўлингни бер Аҳадга.
Ўзидек битта мардга,
Муҳтоҷдир ҳар он күнглим!

НЕГА, ХИЁНАТ ҚИЛДИНГ?!

Ҳаммаси яхшийди-ку,
Мендан кечмоқчи бўлдинг.
Севгингдан устунми у,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Нега, тушунтири нега,
Бунчалик жазо менга.
Кимни қучиб бағрингга,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Бор, ўзингни ос энди,
Нафрат менга дўст энди.
Бахтсизлигим рост энди,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Бу дард шаклсиз туйғу,
Тунлари келмас уйқу.
Ўлимдан баттар-ку бу,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Бир тош ботар кўнглимда,
Кўзёш титрар мунгимда.
Жавоб бер кўз ўнгимда,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Хиёнат қилдинг нега,
Қасдинг бормиди менда.
Мен сенга ачинмайман,
Ачинаман қадримга!

Аҳал қалбida тикан,
Дарлим ўзимдан улкан.
Бир ит ҳидлаган гулсан,
Нега, хиёнат қилдинг?!

Ҳаммаси яхшийди-ку,
Мендан кечмоқчи бўлдинг.
Тириклий ўлдирдинг-ку,
Нега, хиёнат қилдинг?!



БУ ДУНЁГА БЕГОНА ДИЛМАН!

Мен нега туғилдим, баҳтли бўлмасам,
Бир бор севилмасам, бир бор севмасам.
Кулганимни ҳеч ким кўрмас ҳеч қачон,
Осмонлар хўрсинар ўқсиб йигласан.
Тиканзорда очилган гулман,
Бу дунёга бегона дилман!

Яшашдан чарчадим, ёлғизлик дўстим,
Зулматдан нур излаб тентирап кўзим.
Сени ташлаб кетсан, ранжима, ҳаёт,
Наҳотки, ортимдан қолмаса изим.
Хазонбарглар сочилган йўлман,
Бу дунёга бегона дилман!

Баҳтимни қайчилар ёмонлар мени,
Атрофим ўраган ёлонлар мени.
Балки туғилади қабримда қадрим,
Ўшанда тушунар инсонлар мени.
Саволларим жавобсиз билмам,
Бу дунёга бегона дилман!

Онамга озгина баҳт беролмадим,
Отамга озгина баҳт беролмадим.
Бошимга ёмгиридек ёғилди тухмат,
Орзулар шаҳрида мен қололмадим.
Фаришталар юртида ҳурман,
Бу дунёга бегона дилман!

Мени олиб кетгин, илтимос, ё Раб,
Ортиқ яшолмайман, бу дардга чидаб.
Наҳотки, ҳеч кимга керак бўлмасам,
Чарчадим, маъносиз ҳаётда яшаб.
Дард оловда сонурилган кулман,
Бу дунёга бегона дилман!

Оллоҳим истагим айласа бажо,
Вужудим ўраса сўнгги бир мато.
Бизлар учрашамиз жаннат богида,
Энди кўришмаймиз дўстлар, алвидо.
Мени кутманг, мен қайтиб келмам,
Бу дунёга бегона дилман!

САВОЛ

Омад эшигингни кўп тақиллатдим,
 Мен ҳам дўстларингга ўхшагим келди.
 Мен ҳам одамлардай яшагим келди,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

Худо, сендан минғ бор илтимос қилдим,
 Адаштирма мени яратган, Эгам.
 Бузилиб кетди-ку бор ҳамма режам,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

Тақдир, китобингни оч, ўқий, дўстим,
 Эзилиб яшашдан тўйиб кетдим-ку.
 Сенга ёлғизман деб, ахир, айтдим-ку,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

Юрак!
 Юра-а-а-ак!
 Тушун мени, ёмон чарчадим.
 Багримда ўйилиб кетди-ку нафрат,
 Жанозам ўқимай кўмди хиёнат,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

Ота, яшамоқни ўргатинг, дедим,
 Онам ожизгина бир аёл бўлса.
 Наҳотки, армончоҳ ичиди ўлсам,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

Ҳаёт, саҳнангда роль ўйнолмаяпман.
 Ёлғон қайси бири, ҳақиқат қани.
 Қандай тегирмонга ташладинг мани,
 Умидлар куйини куйлолмаяпман.
 Аҳадман, яшашга йўқми ҳеч ҳаққим,
 Нега менинг ҳам ҳеч кулмайди баҳтим?

ЙИГЛАЙМАН

Ҳеч ким тушунмаса дилда дардимни.
Йиглайман, йиглайман, йиглайман.
Арзонга сотсалар агар қадримни,
Йиглайман, йиглайман, йиглайман.

Отнинг итларга тиз чўкканин курсам,
Атиргулнинг пинҳон тиканин кўрсам.
Одамийлик ҳақда лаганбардорнинг,
Берилиб насиҳат этганин кўрсам.
Ўгрилар тўғрига устоз сўзи панд,
Ғалаба қозонса, ноҳақлик баланд,
Йиглайман, йиглайман, йиглайман.

Дўстларим хусумат қилғанда эмас,
Душманларим тухмат қилғанда эмас.
Жигарларим гийбат қилғанда эмас,
Бир зум ижод қилмай қўйсам, **Йиглайман,**
Дунёдан чарчасам, тўйсам, **Йиглайман...**

Йигламайман, ҳатто пулим қолмаса,
Юргани бирорта йўлим қолмаса.
Одамлар манфаат кутмай бир-бирин.
Шунчаки соғиниб эсга олмаса.
Йиглайман, йиглайман, йиглайман.

Аҳад Қаюм қалби, дилдафтари дард,
Адабиёт ичра қолмаса бир мард.
Мана шу САНЪАТ деб ёлғон яллага,
Сафсатага қарсак чалиб турса ҳалқ.
Тарих учун нима қолар ўйлайман,
Шеърларим тақдирин ўйлаб **Йиглайман.**

ЧИДОЛМАДИМ

Тұхмат тоши отиңганды чидагандим,
 Чин дүстларим сотиңганды чидагандим.
 Тутиб, босиб ўтишганды чилагандим,
 Чидолмадим бевафонинг заҳрига ман,
 Тополмадим даво аёл макрига ман.

Шамолларда совурдилар қадримни, ох,
 Ѕөлгөнларда қовурдилар бағримни, ох.
 Юрагимни хиёнатлар чарчатган чоғ,
 Чидолмадим бевафонинг заҳрига ман,
 Тополмадим даво аёл макрига ман.

Қирқ түяning белларини синдирган пайт,
 Бунга бардош беролмаган қирқ мингта мард.
 Телба қалбим тирнаб ётар тузалмас дард,
 Чидолмадим бевафонинг заҳрига ман,
 Тополмадим даво аёл макрига ман.

Илон заҳрин туттан экан тил учиды,
 Хиёнатин яширганда күлгичида.
 Ташиб кетди Аҳадни уғам ичида,
 Чидолмадим бевафонинг заҳрига ман,
 Тополмадим даво аёл макрига ман.

Тұхмат тоши отишганды чидагандим,
 Чин дүстларим сотишганды чидагандим.
 Тутиб, босиб ўтишганды чидагандим,
 Чидолмадим бевафонинг заҳрига ман,
 Тополмадим даво аёл макрига ман.



МЕНИ ЙИГЛАТМА, ҲАЁТ!

Бүгзимда титрап фарёд,
Айт, кимдан сўрай нажот.
Бир қадам қўймай туриб,
Мени йиглатма, ҳаёт! .

Узоқ йўлга чиққанман,
Олисга кўз тикканман.
Худо, деган укангман,
Мени йиглатма, ҳаёт!

Бирор ҳақин емадим,
Нопок йўлдан юрмадим.
Ёмонга қўшилмадим,
Мени йиглатма, ҳаёт!

Майдонларинг кўп экан,
Ёлғонларинг кўп экан.
Армонларинг кўп экан,
Мени йиглатма, ҳаёт!

Отамга ёрдам берай,
Онамга ёрдам берай.
Оlamга ёрдам берай,
Мени йиглатма, ҳаёт!

Кел, ҳалол беллашайлик,
Қўлни бер, қўллашайлик.
Одамдай тиллашайлик,
Мени йиглатма, ҳаёт!

Мен Аҳадман, эркакман,
Шу юрт учун тиргакман.
Ўзингга ҳам керакман,
Мени йиглатма, ҳаёт!

ОНАМГА ХАТ

Согинганда қайноқ меҳрингиз,
 Күзим түлар ёшга, онажон.
 Мусоғирда юрсам дуосиз,
 Күлім бормас ишга, онажон.

Дилим чўккан, юрагим зада,
 Билмам содиқ дўсту ёр қайда.
 Ҳувиллаган шундай шаҳарда,
 Дард айтайми тошга, онажон.

Санъат йўлмас отарчиларга,
 Ўзин арzon сотарчиларга.
 Айтинг анов гийбатчиларга,
 Менинг йўлим бошқа, онажон.

Койиманг, сен кимга кетдинг деб,
 Кимларнинг йўлини тутдинг деб.
 Мени кўп йиғлатдинг деб,
 Тортманг дилни ғашга, онажон.

Билмайсиз-ку, Аҳад биттадир,
 Бир куни ҳаммадан ўтадир.
 Ўзи ғолиб келиб ютадир,
 Ишонади бошга, онажон!..

СОФИНЧ

Кимнидир кутасан, кутасан,
 Исмсиз ҳасратни ютасан.
 Ўшал онда мени ўйласанг,
 Ишон, анча енгил тортасан...

2004



СЕВАМАН ДЕБ АЙТ

Фасли мұхаббатда дил қуylаган пайт,
Юракка ўт ёқиб кел, бағримга қайт.
Ишқинг оташидан сармаст ошиқман,
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

Қалбингдан ўчириб ташла гумонни,
Исмини унугтин энди армонни.
Қўлдан берма, жоним, сўнгти имконни,
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

Шу биргина сўзга жонимни берай,
Дунёларни берай, боримни берай.
Ўлсам ҳам шу сўзни эшишиб ўлай,
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

Кўзларимга қара, дилга қулоқ сол,
Ўзингни азобда қийнама бекор.
Нимани ўйлайсан, бўлгин менга ёр.
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

Бахтингни юракка пинҳона этма,
Аҳадни орtingдан девона этма.
Ҳисларингни ўйнаб овора этма,
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

Фасли мұхаббатда дил қуylаган пайт,
Юракка ўт ёқиб кел, бағримга қайт.
Ишқинг оташидан сармаст ошиқман,
Севаман деб айт энди, севаман деб айт!

2008

ҲАЁЛИ БИР ҚИЗНИ СЕВДИ, БУ ДИЛИМ

Иболи бир қизни севди, бу дилим,
 Ҳаёли бир қизни севди, бу дилим.
 Дил чеҳраси ёруғ, юзларидан ҳам,
 Чиройли бир қизни севди, бу дилим.

Үзига ярашар нозу қараашлар,
 Бесабаб эмасдир күнгил сүрашлар.
 Зимдан сирли-сирли нигоҳин ташлар,
 Маъноли бир қизни севди, бу дилим.

Ҳечам парвоси йўқ мендан ўзгага,
 Менинг ҳам кўнглим йўқ шундан ўзгага.
 Аввал учраганларидан ўзгача,
 Вафоли бир қизни севди, бу дилим.

Шайдосиман ўзим париухсорин,
 Найза киприклару қошу қаросин.
 Камалакка монанд соchlар жилоси,
 Дунёли бир қизни севди, бу дилим.

Энди Аҳад шоир тунлари бедор,
 Бедаво дард етган савдоий бемор.
 Фақат ўшал ёрнинг висоли хумор,
 Ҳаёли бир қизни севди, бу дилим.

2008

КЎРИНГЛАР...

Кўринглар бу телба замонни,
 Одамлар унутди армонни.
 Ҳаромни ҳам меъёри бор деб
 Инсофлиси бор деб шайтонни.

АЙТ, АЗИЗИМ

Қийналяпман, юрагимни армон тешар,
Йиглаяпман, күзларимдан дарё тошар.
Соғинчларим ҳаётимга дардлар қушар,
Нетай энди, ёлгизликка құникаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

Сен келмасанғ бөгларимдан баҳор кетар,
Умид сүнган күзларимдан мадор кетар.
Сени ўйлаб тунларим ҳам бедор ўтар,
Юлдузларга маңыс боқиб ғам ютаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

Ох, билсайдинг ошиқ дилнинг ноласини,
Ёнаётган аламларнинг наърасини.
Бир келиб күр ханжарингнинг ярасини,
Жоним чиққан, руҳсиз танам тобутдаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

Лахта-лахта қонлар оқар жигаримдан,
Сенинг исминг түшмас бир зум лабларимдан.
Еру фалак дод соляпти ғамларимдан,
Күнгил уйин хотиранг-ла ёритаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

Осмонимда йўқдир қора қаргалар,
Йўқдур менда сеникидек нагмаларим.
Ўйлаб юрма, ичимда ҳам қарғамадим,
Мен ажримни ошиқлардек жим кутаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

Муҳаббатинг кўмдим ишқинг мозорида,
Аҳад шоир, дарвеш ҳижрон бозорида.
Куйлар энди вафосизлар озорида,
Охиратда кўз олдингдан бир ўтаман,
Айт, азизим, сени қандай унутаман?

САВОЛИМ БОР

Сенга бир саволим бор, ҳаёт,
 Не учун ёмонни сийлайсан?
 Остонасин этмайин обод,
 Яхшига нега кун бермайсан?

Сенга бир саволим бор, ўлим.
 Нима учун одам танлайсан?
 Билиб олмай одамнинг хилин,
 Яхшига нега кун бермайсан?

Сенга бир саволим бор, кўнгил,
 Нега йўқ нарсани хоҳлайсан?
 Ярим тунда мени азоблаб,
 Керак пайтда нега ухлайсан?

Сенга бир саволим бор, севги,
 Тўғри йўлни нега билмайсан?
 Севгилимга учратиб қўйиб,
 Нега бизни баҳтли қилмайсан?

Сенга бир саволим бор, эй дўст,
 Нега тилинг билан юрасан?
 Ўша тилинг бошингни ейди,
 Шошмай турсанг, ҳали кўрасан.

Сенга бир саволим бор, дунё,
 Нега Аҳадни тушунмайсан?
 Сенга ёрдам бермоқчи, ахир,
 Нега унга сен ишонмайсан?

Нега жавоб бермайсан. Худо...

ЭЙ, ҲАЁТ

Эй ҳаёт, бахтинг эмас,
Дардларинг бунча кўпdir.
Эй ҳаёт, юрагим дарз —
Дарсларинг бунча кўпdir.

Эй ҳаёт, мен билмасман,
Ким дўстиму, ким душман.
Йўқ, ношукур эмасман,
Шартларинг бунча кўпdir.

Эй ҳаёт, сен жумбоқсан,
Қиморбозсан, фирромсан.
Пишмаган савдо, хомсан —
Нархларинг бунча кўпdir.

Бўй чўzsам осмонларга,
Оёгим зинданларда.
Йўл очдинг шайтонларга,
Пастларинг бунча кўпdir.

Бунча кўпdir — эй ҳаёт,
Ўзим бўлай деган зот.
Аҳадни тушунмасдан, дод —
Мастларинг бунча кўпdir.

ШУКР

Яхшими, ёмонми, оғир кунимда,
Оғирми, енгилми, тақдир йўлимда.
Дўстларим ёнимда бўлдингиз, шукр,
Ёлғиз қўймадингиз тутиб қўлимдан.

Сизга раҳмат дейман, мен бош эгаман,
Буни эсламайин, ахир нега ман.
Мен роҳат оламан сизга дил тўкиб,
Юрган изингизга мен гул тўкаман...

ВАСЛИНГ УМИДИДА...

Адашган бахтимсан излайман ҳар он,
Кўзларим йўлингда согиндим ёмон.
Гарчи мени бир бор ўйламасанг ҳам,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.

Дардларим давосин Худодан сўраб,
Ширин хаёлларнинг сочларин силаб.
Кунларни ойларга, йилларга улаб,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.

Кўнгил ҳаритасин йўқ-да тиллари,
Йўқ-са, адашмасди умрим йўллари.
Жонимни маст айлар умид гуллади,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.

Ҳижрон кўйлагининг енглари қондир.
Яна ўзимга қайт, бағримни ёндин.
Нафасим изтироб, ишқим достондир,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.

Баъзилар таним соғ, шунга шукр, дер.
Ҳаётнинг ҳар дами тотли, сурур, дер.
Эй Аҳад, севмоқлик нима зарур, дер,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.

Адашган бахтимсан излайман ҳар он,
Кўзларим йўлингда согиндим ёмон.
Гарчи мени бир бор ўйламасанг ҳам,
Васлинг умидида яшайман ҳамон.



УМИДСИЗ СЕВГИМ

Хар лаҳзада сени келади күргим,
Тушимда талпиниб ёнингга боргум.
Ёлгизмай, беморман муҳаббатингсиз,
Юрак багрим тирнар умидсиз севгим.

Биламан, сезаман, менда кўнглинг йўқ,
Бахтим деб ишонган ёрим бўлгинг йўқ.
Ўзингни қизғониб менга бергинг йўқ,
Ўқсиб-ўқсиб йиглар умидсиз севгим.

Дунё бир синовдир азобдир ҳаёт,
Умрбод армонда яшайман наҳот.
Қайтишинг кутаман најот йўқ, најот,
Куйган жоним қийнар умидсиз севгим.

Нима қилай, кўнглим, кўзим бор, севдим,
Суйганимга бориб сен ҳам сев, дедим.
Юрагимни тутиб бошимни эгдим,
Бунча кўксим тиғлар умидсиз севгим.

Ҳаёлларим гўё жонсиз капалак,
Қаноти сарғайган қонсиз капалак.
Кўзчалар мунгли ожиз капалак,
Елкамда жим ухлар умидсиз севгим.

Эй Аҳад, кўкдаги моҳ сенга сирдош,
Дўстинг сабр бўлсин, ҳамдардинг бардош.
Худди ёш боладек кўзга олиб ёш,
Энди дилни доғлар умидсиз севгим.

2008

АЙТ, ЭЙ ҲАЁТ?

Айт, эй ҳаёт, сенга битта саволим бордир,
Нима учун ёмонлармас, яхшилар хордир?

Айт, эй ҳаёт, бу дунё бунчалар бешафқат,
Нима учун фақат мени қийнайсан фақат?

Айт, эй ҳаёт, қачон тўлар ярим кўнгиллар,

Айт, эй ҳаёт, бу кўзларим айт қачон кулар?

Айт, эй ҳаёт, нега жимсан айт нега жимсан,
Дўст қариндош бир-бирининг йўлини тўсса?

Айт, эй ҳаёт, даво борми бу дардларимга,

Айт, эй ҳаёт, шафқат қилгансан ўзи кимга?

Айт, эй ҳаёт, айт қаерда баҳтнинг манзили,

Айт, эй ҳаёт, наҳот қадр ипи узилди?

Айт, эй ҳаёт, наҳот кўнгил қасри бузилди,

Узилдими оқибатнинг олтин занжири?

Айт, эй ҳаёт, эрларда йўқми эрлик дарси,

Қизлардан кетдими шарму ҳаёларси?

Айт, эй ҳаёт, қай йўлларда сотилди виждон,

Айт, эй ҳаёт, қай мозорда кўмилди имон?

Айт, эй ҳаёт, нега қадрин билмайди инсон,

Инсонга ўз фикрин доим ўтказар шайтон?

Айт, эй ҳаёт, қачон тўхтар ноҳақ кўзёшлар,

Соф дилларга ботаверар доим ғам тошлар?

Айт, эй ҳаёт, саволим жавобсиз қолмасин,

Айт, эй ҳаёт, ҳеч кимнинг баҳти сўлмасин?

Айт, эй ҳаёт, баҳтсизга қачон баҳт кулади,

Омадлилар қачон баҳтнинг қадрин билади?

Айт, эй ҳаёт, устозлардан қарзларим қанча,

Айт, эй ҳаёт, юрак тирнар азоблар ханжар?

Айт, эй ҳаёт, ғамдеворлар қачон бузилгай,

Қачонгача кўзёшларим оқиб тизилгай?

Айт, эй ҳаёт, Аҳад Қаюм сўрайди сендан,

Айт, эй ҳаёт, дунё сирин яширма мендан?!



ҮЙЛАМОВДИМ

Хаёт захрин ичаман, деб ўйламовдим,
Бахтларимдан кечаман, деб ўйламовдим.
Хеч хаёлга келмаганди қаро кунлар,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

Ўйламовдим, ярим йўлда йиқилишни,
Шифокор дер: камайтиринг сиқилишни.
Истамайман тириклайнин кўмилишни,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

Тоғдай оғир юқдан оғрир елкаларим,
Ноҳақликдан ярим жоним тилкаладим.
Нега билмай кул остидан чўг кавладим,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

Ўйламовдим, дўсти сотқин учрашини,
Ўйламовдим севгим мендан ажрашини.
Кутган эдим ҳаёт ботим яшнашини,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

Ўйлар эдим, йўлимдаги гулжамоллар,
Бўйларимни бўйларига тенг баҳолар.
Билмам, душман мендан бунча нима хоҳлар,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

Ёшлиқ қилма, деб айтарди устозларим,
Ўша пайтлар қайда эди бу кўзларим.
Тингланг, дўстлар, Аҳад Қаюм дил сўзларин,
Шу аҳволга тушаман деб ўйламовдим.

Хаёт захрин ичаман деб, ўйламовдим,
Бахтларимдан кечаман, деб ўйламовдим.
Хеч хаёлга келмаганди қаро кунлар,
Шу аҳволга тушаман, деб ўйламовдим.

СЕВИШНИ БИЛИШ КЕРАК

Мұхаббат гүзәл әртак,
Ишқа ташна бу юрак.
Күнгил бермөқдан аввал,
Севишни билиш керак.

Бир күрдимү ёндим деб,
Қалбимга ишондим деб.
Охири қолманғ қуйиб,
Севишни билиш керак.

Дүстлик бошқа, ишқ бошқа,
Күй бошқа, қүшиқ бошқа.
Нодонлик, ёшлиқ бошқа,
Севишни билиш керак.

Ваъдани лоф урманглар,
Шамолдан уй қурманглар.
Кейин йиглаб юрманглар,
Севишни билиш керак.

Учраганни жоним, деб,
Сенсан ёлғиз ёрим, деб.
Кетма-кет пандларин еб,
Севишни билиш керак.

Үйлаб, дилим огрийдир,
Айтсам, тилим огрийдир.
Хислар бу илохийдир,
Севишни билиш керак.

Аҳад шоир дарди бу,
Күнгилдаги гарди бу.
Минг йил кутган сатри бу,
Севишни билиш керак.

2008



АЛВИДО ДЕР

Осмонимини тарк айлади оққушларим,
Бугун сенга балки сүнгги боқишиларим.
Бағрингга бос, тингла күнгил хонишларим,
Алвидо дер, алвидо дер, суйган юрак,
Бир бевафо жафосидан куйган юрак.

Оғир экан хиёнатнинг қийноқлари,
Ёлғон экан лабларингнинг титроқлари.
Ёмон экан күзёшларнинг сүроқлари,
Алвидо дер, алвидо дер, суйган юрак,
Бир бевафо жафосидан куйган юрак.

Бахтим мани, мен йўқотган бахтим мани,
Яшамоққа тугамоқда шаҳдим мани.
Туғилмайин ўлганмиди аҳдинг сани,
Алвидо дер, алвидо дер, суйган юрак,
Бир бевафо жафосидан куйган юрак.

Кўзларимни чирт юмаман тилни тишлиб,
Хаёлимда кўринасан музга ўхшаб.
Айт, нимага эришасан бундай яшаб.
Алвидо дер, алвидо дер, суйган юрак,
Бир бевафо жафосидан куйган юрак.

Сени ўйлаб. Аҳад умри ёнар энди,
Сен учраган барча йўлдан тонар энди.
Нима қиссин, ёлғизликка кўнар энди,
Алвидо дер, алвидо дер, суйган юрак,
Бир бевафо жафосидан куйган юрак...

2008

ОТА

Юрагимда ўчмас дарзим кўп, ота,
 Бажаришим лозим фарзим кўп, ота.
 Падар ҳаққин узмоқ ҳукми Аллоҳдир,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

Ҳормадим омаднинг кетидан қувиб,
 Не кўрдим бевафо бир қизни севиб.
 Пойингизга келдим, дунёдан совиб,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

Дўстим яхшилигин бозорга солди,
 Мени тириклиайн мозорга солди.
 Ҳамма керак-керак ҳаққини олди,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

Менің давлат эмас, дунё бердингиз,
 Умримни ёритиб маъно бердингиз.
 Сўнгра ташлаб кетдим. индамадингиз,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

Онамга айтаман отамни асранг,
 Ёлғиз қийналмасин кўнглига қаранг.
 Мендан розимикан бир шуни сўранг,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

Майдоннинг Аҳадга қизиги йўқдир,
 Унга бу ҳаётнинг қизиги йўқдир.
 Фақат сизни ўйлаб юраги чўғдир,
 Сизнинг олдингизда қарзим кўп, ота.

2009

ЭРКАК ЙИГЛАМАСИН!

Берар ҳам Худодир, олар ҳам Худо,
Эркак йигламасин давлат кетса ҳам.
Ҳеч кимса бўлмасин баҳтидан жудо.
Эркак йигламасин, омад кетса ҳам!

Бергандা шукур қил, олганда сабр,
Шошилиб ўзингга қазмагин қабр.
Йигитчилик дарсин уқмасдан, ахир,
Эркак йигламасин, фақат синса ҳам!

Йиқилсанг, устингдан қулади номард,
Аслида айбинг йўқ, билади номард.
Шошма, ўзи қайтиб келади номард,
Эркак йигламасин, душман кулса ҳам!

Бошига тушганда ногоҳ қаро кун,
Йўлида учраса бир дўсти сотқин.
Эй ҳаёт, эгмагин ҳеч қачон қаддин,
Эркак йигламасин, савлат кетса ҳам!

Йигитга не керак, бир чин дўст керак,
Йигитга не керак, ёруғ юз керак.
Мол давлати номус-ори бўлса бут,
Йигитга не керак, бир гулюз керак!

Эй аёл, эркакнинг умрин қил обод,
Эй аёл, эркакнинг этгин қалбин шод.
Эй аёл, баҳтини қилмагин барбод,
Эркак йигламасин, чин баҳт кетса ҳам!

Эркак йигламасин чарчаб кетса ҳам!
Йигламай бўлмайди туҳмат зарбидан.
Йигламай бўлмайди ҳасад жабридан,
Йигламай бўлмайди аёл макридан,
Эркак йигламасин, иззат кетса ҳам!

Бир кун совуқ, бир кун чўғи бор экан,
Турмушнинг бори бор, йўғи бор экан.
Ота деган номин булғаса фарзанд,
Эркак йигламасин, кулфат келса ҳам!

Йигитнинг парвозда қаноти дўстдир,
Йигитнинг сўнгги дам нажоти дўстдир.
Йигитнинг ҳаёти мамоти дўстдир,
Эркак йигламасин, чин дўст кетса ҳам!

Пул бор жойда билинг, дўст бор, душман бор,
Пул бор жойда билинг, рост бор, ёлғон бор.
Пул бор жойда билинг, нафс бор, шайтон бор.
Эркак йигламасин, дўст панд берса ҳам!

Бойлик адашмоқлик учунми, айтинг,
Бойлик, ҳатто баҳтдан устунми, айтинг.
Бойлик бу ҳаётга мазмунми, айтинг,
Эркак йигламасин, гийбат бўлса ҳам!

Онасин ҳақорат қилганни кўрдик,
Хотини хиёнат қилганни кўрдик.
Фарзанди жиноят қилганни кўрдик,
Эркак йигламасин, бу дард келса ҳам!

Йиқилганда қочса қону қариндош,
Эй йигит, синмагин эгиб юрма бош.
Белга белбоғ бўлсин доим сабртош,
Эркак йигламасин, мадад кетса ҳам!

Кимдир кўрлмаса турган жойингни,
Бошинг силаб мўлжалласа пойингни.
Улфат бўлиб огулатиб чойингни,
Эркак йигламасин, ким паст кетса ҳам!

Тиллага ўч бўлмоқ аёлнинг касби,
Эр-йигит ҳаромдан қочади асли.
Ўксинмас йўқотса дуру зар қасрин,
Эркак йигламасин, зийнат кетса ҳам!

Бахтинг кесмоқ бўлса ичи қоралар,
Сочингга шу ғамдан минг оқ оралар.
Юздан ёшлиқ қочса дилинг поралар,
Эркак йигламасин, қувват кетса ҳам!

Бошига минг синов синоат келса,
Күздан уйқу қочиб ҳаловат кетса.
Ишларинг юришмай бошга дард етса,
Эркак йиғламасин, роҳат кетса ҳам!

Бир манман мақтанса ўртага кириб,
Мендан зўри йўқ деб кўксини кериб.
Камситмоқ бўлса гар сени паст кўриб,
Эркак йиғламасин, кам-кўст бўлса ҳам!

Муҳаббатга атаб кўнгил зорини,
Ишқнинг дунёсига берса борини.
Дил куйиб, йўқотиб қўйса ёрини,
Эркак йиғламасин, гулуз кетса ҳам!

Йигитга не керак, бир чин дўст керак,
Йигитга не керак, ёруғ юз керак.
Мол давлати номус ори бўлса бут,
Йигитга не керак, бир гулуз керак!

Йиғламасин баҳти тоҳ чалкаш бўлса,
Ишонган дўстлари майдакаш бўлса.
Ҳеч кимга ишонмай кўнгли ғаш бўлса,
Эркак йиғламасин, ёлгиз қолса ҳам!

Йигитни йўқ қилар ҳаром ўйинлар,
Битта хатойинг ҳам сени йўқ қилар.
Сабр қил бир куни омадинг келар.
Эркак йиғламасин, ожиз бўлса ҳам!

Дардингни берар ҳам, олар ҳам ўзи,
Саргаймасин қарздан ҳеч кимнинг юзи.
Меҳнатдан тўхтама вақт ўзи қози,
Эркак йиғламасин, минг қарз бўлса ҳам!

Қувонма кўчанғда бўлса ҳам байрам,
Байрамнинг ортидан келади мотам.
Йиқилсанг, устингдан кимдир кулса ҳам,
Эркак йиғламасин, ҳеч вақт,
Ўлса ҳам!

Тирногинг остидан излаб ким иллат,
Қилган яхшилигин қылса ким миннат.
Кечаги қарзинг деб номинг этар паст,
Эркак йигламасин, ҳурмат кетса ҳам!

Ҳаёт ўйинлардан иборат майдон,
Зўр бўлсанг йўлингга қўйишар қопқон.
Қўрқмагин пойингга чирмашса илон,
Эркак йигламасин, журъат кетса ҳам!

Дунёда ҳеч кимдан олмагин қасос,
Худога сол, қайтар дунё бордир рост.
Ҳар бир қадамингни доим ўйлаб бос,
Эркак йигламасин, мансаб кетса ҳам!
Эркак йигламасин, асаб кетса ҳам!

Сабр қилинг, ўтар йўқчилик келса,
Шуқр қилинг, агар тўқчилик келса.
Ўксимасин кимдир қалбин синдириса,
Эркак йигламасин, ният кетса ҳам!

Ҳаёт, кўп йиғлатдинг Аҳад Қаюмни,
Эшитгин, эй дўстим, дилда орзумни.
Қийнамасин фарзанд доги ҳеч кимни,
Эркак йигламасин фарзанд кетса ҳам,
Жигарбанди уни ташлаб кетса ҳам!

Берар ҳам Худодир, олар ҳам Худо.
Эркак йигламасин, давлат кетса ҳам.
Ҳеч йигит бўлмасин баҳтидан жудо,
Эркак йигламасин, омад кетса ҳам!

ОХИР ЗАМОН

Дема замон шошиб кетяпти,
Кўп ҳаддидан ошиб кетяпти.
Нафсига кўп берилиб инсон,
Дилдан имон қочиб кетяпти.

2004



КЕЛМАДИНГ

Дардларимни деворларга сўйлайман,
Кўшиқларим осмонларга куйлайман.
Гар қайтмасанг, ўзга ёрни ўйлайми,
Маҳзун-маҳзун кунлар кутдим, келмадинг,
Узун-узун тунлар ўтди, келмадинг.

Софинаман бу умрим қийноқ энди,
Оқшомлари ҳамроҳим фироқ энди.
Ёлғиз қолдим суйғаним йироқ энди,
Маҳзун-маҳзун кунлар кутдим, келмадинг,
Узун-узун тунлар ўтди, келмадинг.

Сен келмадинг ҳижрон заҳрин ичдим ман,
Ойни ўпаб, юлдузларни қучдим ман.
Сени ўйлаб бу дунёдан кечдим ман,
Маҳзун-маҳзун кунлар кутдим, келмадинг,
Узун-узун тунлар ўтди, келмадинг.

Менга қараб дўстларим ҳайрон қулар,
Гуноҳим не, юрагим вайрон бўлар.
Наҳот энди висолинг армон бўлар,
Маҳзун-маҳзун кунлар кутдим, келмадинг,
Узун-узун тунлар ўтди, келмадинг.

Айбим йўқдир, ўзим излаб бормадим,
Эсламадинг мен ҳам эслаб бормадим.
Аҳад дедим таним музлаб бормадим,
Маҳзун-маҳзун кунлар кутдим келмадинг,
Узун-узун тунлар ўтди, келмадинг.

2009

СОФИНСАМ НЕТАЙ

Ёнгинанғда туриб қўлларинг тутай,
 Ёнгинанғда туриб баҳтимга етай.
 Ёнгинанғда туриб ёниб-ёндирай,
 Ёнгинанғда туриб соғинсам, нетай.

Сочларинг силасам, қалбинг сўрасам,
 Кўзларингга боқиб дардинг сўрасам.
 Юлдузга қарасам, ойга қарасам,
 Ёнгинанғда туриб бу умрим ўтгай.

Етти бор айланиб дайри дунёни,
 Ўзинг айт, топарман излаб нимани.
 Ҳеч нарса қеракмас, топдим-ку сани,
 Ёнгинанғда туриб васлингга етай.

Сенсиз мен қуйлари маҳзун навоман,
 Сенсиз мен меҳрга ташна сахроман.
 Сенсиз мен мавжлари тинган дарёман,
 Ёнгинанғда туриб ҳасратинг ютай.

Сенсиз қайга кетай, кимларни кутай,
 Кимга боқиб Аҳад ошиқ деб атай.
 Энг тўзал сатримни сен учун битай,
 Ёнгинанғда туриб аслимга қайтай.

Ёнгинанғда туриб қўлларинг тутай,
 Ёнгинанғда туриб баҳтимга етай.
 Ёнгинанғда туриб ёниб-ёндирай,
 Ёнгинанғда туриб соғинсам, нетай...

2009



СЕНДАЙ ГҮЗАЛ

Бу хұсну бу латофатинг танқо сенинг,
 Сүзларинг дур, күзларинг ҳам шаҳло сенинг.
 Севмоқ учун яратғанми Худо сени,
 Таърифингни сигдиролмас минг бир ғазал,
 Юз йилда бир туғилгайми сендей гүзал!

Сени излаб овораман, овораман,
 Сени ўйлаб дилпораман, дилпораман.
 Етолмайин бечораман, бечораман,
 Таърифингни сигдиролмас минг бир ғазал,
 Юз йилда бир туғилгайми сендей гүзал!

Синовларинг күпргиғидан ўтай, десам,
 Озорларинг дарёсида чўкмай, десам.
 Сенга келган балоларни ютай, десам,
 Таърифингни сигдиролмас минг бир ғазал,
 Юз йилда бир туғилгайми сендей гүзал!

Дилим яро, юрар йўлим хатоми ё,
 Бирлашмайин дилларимиз айроми ё.
 Сени кутиб бори умрим қароми ё,
 Таърифингни сигдиролмас минг бир ғазал,
 Юз йилда бир туғилгайми сендей гүзал!

Тингла энди ошиқ Ақад розларини,
 Йиглаб-йиглаб чалар энди созларини.
 Минг бир достон, эртак дема сўзларини,
 Таърифингни сигдиролмас минг бир ғазал,
 Юз йилда бир туғилгайми сендей гүзал!

2009



ВАТАН

Ватан нима, ватан бу –
 Жондай азиз бир туйғу.
 Қайда бўлсанг ҳам кўнглинг –
 Ватанда яшар мангу!

Ватан нима, ватан бу –
 Сен япроқсан, илдиз у.
 Сен осмонсан юлдуз у,
 Дарё бўлсанг, илдиз у...

Ватан нима, ватан бу –
 Сажлағоҳдай маскан бу.
 Ҳар туйғудан баланд бу,
 Жонингга жон дилбанд бу.

Бир бор ўйлаганмисан,
 Қалбинг қийнаганмисан.
 Диљдан сўраганмисан,
 Ватан нима, **ВАТАН** – бу!

Онам кўзидағи дард,
 Отам сўзидағи шарт.
 Ватан нима, ватан бу
 Болам дилидаги шаҳд!!!

2010

ОҚИЛ ОДАМ...

Доно шоир кутиб-кутиб пайтини,
 Битар экан энг сара шоҳ байтини.
 Оқил одам, отилмайди мансабга,
 Меҳнат қилиб кутар ўз наебатини

2004

ЁЛҒИЗЛИКДАН ЭЗИЛИБ КЕТДИМ

Согинчингдан ёниб кетяпман,
Күзимда ёш, жимирлар этим.
Қайдасан, кел, ҳамон кутяпман,
Ёлғизликдан эзилиб кетдим.

Ҳаётимни мен қандай қурай,
Бу гуноҳни айт, кимдан кўрай.
Бошгинамни айт, қайга урай,
Ёлғизликдан эзилиб кетдим.

Сиқилишдан тамом бўлди жон,
Дарду гамга юрагим нишон.
Гар келмасанг, ўламан, ишон,
Ёлғизликдан эзилиб кетдим.

Дод, дейман,
Дод, дейман, дод, дейман,
Суйганим ўзимга ёт, дейман.
Севингнга хиёнат қилгунча,
Ўзингни бозорда сот, дейман!...

Ёлғизликдан эзилиб кетдим,
Атрофимда бирорта дўст йўқ.
Бугун киммман, кеча ким эдим,
Юрагимга санчилган бир ўқ.

Юрагимда санчилган бир ўқ,
Жароҳатим яшириб нетдим.
Қўксим ичра ёнмоқда бу чўғ,
Ёлғизликдан эзилиб кетдим.

Тилларида зар ваъдалилар,
Доғ кўксимга тиф қададилар.
Ўлдирдилар ширин сўз билан,
Севаман деб кўп алладилар.

СЕНИ ЭСЛАСАМ

Дарахтлар йиглади, ёмгир ёққанда,
 Юрагим ухлайди исмингни айтсам.
 Аччиқ хотиралар дилни чаққанда,
 Дунёга сиғмайман, сени эсласам...

Дилимни англаған битта дилдош йўқ,
 Ҳасратим тинглаған битта сирдош йўқ.
 Сенсиз бу ҳаётим бунчалар совуқ,
 Ёлғизман, йиглайман сени эсласам.

Сени эслайверсам, дилим баҳордир,
 Сени эслайверсам, туним наҳордир.
 Пешонамга ёзган ўзинг танҳодир,
 Келишинг хоҳлайман, сени эслайман.

Ўчгайми дилдаги жароҳатларинг,
 Бахтингни куйдирган ҳақоратларинг.
 Эслаб ўртанаман хиёнатларинг,
 Кўнглимни доғлайман, сени эсласам.

Дарахтлар уйгонар қүёш ботганда,
 Оҳ, жоним уйғонар исмингни айтсам.
 Ҳижроннинг оғусин сенсиз тотганда,
 Қалбимни чўғлайман, сени эсласам.

2010

ЎЗИМ БОЗОР, ЎЗИМ ХАРИДОР

Мен излаган манзил, йўлимда асли,
 Мен истаган баҳтлар, қўлимда асли.
 Не учун қалбингдан севги изладим,
 Ўшал чин муҳаббат дилимда асли.

2004



СЕВМАСЛИГИНГ КЕЧ БИЛДИМ

Ёлғонингга дуч бўлдим,
Ваъдаларга ўч бўлдим.
Энди васлинг туш билдим,
Севмаслигинг кеч билдим.

Билдим хаёлинг кимда,
Йигладим ёлғиз тунда.
Англадим буни шунда,
Севмаслигинг кеч билдим.

Ғам ютиб дардга тўлдим,
Кўзёшимга ювилдим.
Сувсиз саҳродек қолдим,
Севмаслигинг кеч билдим.

Кўзларим қайда эди,
Хаёлим ойда эди.
Орзулар сароб кетди,
Севмаслигинг кеч билдим.

Увол кетди муҳаббат,
Севги бўлди манфаат.
Афсусда ўксир Аҳад,
Севмаслигинг кеч билдим.

Ёлғонингга дуч бўлдим,
Ваъдаларга ўч бўлдим.
Энди васлинг туш билдим,
Севмаслигинг кеч билдим.

2009



СЕНИ АСЛО КУТМАСМАН

Ёнган дилни ёртмасман,
Дардларидан аритмасман.
Барибир, келсанг-келмасанг,
Сени асло кутмасман.

Ич этимни емирса ғам,
Куксим тирнаб йиғласам ҳам.
Күзёшларим тугаса ҳам,
Сени асло кутмасман.

Бахтли кунда бирга бўлиб,
Сўнгра кетдинг юзинг буриб.
Кеча гуллаб, бугун қуриб,
Сени асло кутмасман.

Дийдорларни кутганда ҳам,
Дилдорларни кутганда ҳам.
Баҳорларни кутганда ҳам,
Сени асло кутмасман.

Аҳад учун адo эдинг,
Тоҳир эдим, Зухро эдинг.
Қалбингни кимларга бердинг,
Сени асло кутмасман.

2009

БЕМАЪНИ ҲАЁЛ

Кутавериб душмандан тошни,
Огритмагил сен бу соғ бошни.
Ари нишни суқмоқлик учун,
Ҳеч маҳалда кутмайди қишини.

2004



КИМ ЎЙЛАЙДИ БУ ВАТАННИ...

Элнинг асрий дардларини биз сўйламасак,
Ҳасратларин, нолаларин биз куйламасак.
Ўз жонини асрар сотқин ўзга диёрда,
Ким ўйлади, бу Ватанни биз ўйламасак!

Шу юртнинг нон тузини еб тупурди кимлар,
Оддий халқнинг номидан деб гапирди кимлар.
Бир ғов келса, ўз айбини яширди кимлар,
Ким кўтарар, бу Ватанни биз кўтартмасак!

Ҳар бир жойнинг ўз тошию тарозиси бор,
Бу ёшларнинг, келажакнинг ўз орзуси бор.
Юрагида киммиз деган бир туйғуси бор,
Ким англайди, бу Ватанни биз англамасак!

Бир кун келиб оғир-енгил кунлар ўтади,
Бу Ватан ҳам манзилига омон етади.
Келажакнинг чўққиларин маҳкам тутади,
Ким ярайди бу Ватанга биз ярамасак!

Шукр дейман келажакка садоларинг бор,
Яхши-ёмон кунларингда фидоларинг бор.
Жилғалари тоза бўлган дарёларинг бор,
Ким тинглайди, бу Ватанни биз тингламасак!

Бу шавкату шонингга кўз тикканлар қанча,
Дўйстингман, деб молингга кўз тикканлар қанча.
Ханжар тутиб жонингга кўз тикканлар қанча,
Ким асрайди, бу Ватанни биз асрамасак!

Устимиздан отлар солиб янчиб кетдилар,
Боболарим қабрин хокин сочиб кетдилар.
Кимсан, деган эди тарих, қочиб кетдилар,
Ким ўнглайди, бу Ватанни биз ўйламасак!

Кимдир сенга қўлин чўзса манфаат билан,
Яхшиликлар қўлмоқ бўлса бир миннат билан.
Ҳар ерларда вайсайверса ҳар иллат билан,
Ким мақтайди, бу Ватанни биз мақтамасак!

Қадринг бордир, ўзингники, тонгларинг ёруғ,

Яхшиларга баҳт улашган кунларинг ёруғ.

Юлдузларинг, ойларинг бор тунларинг ёруғ,

Ким кўкарар, бу Ватанда биз кўкармасак!

Ҳар бир кунни, ҳар бир тонгни ганимат билинг,

Тинчликни хотиржамликни бир неъмат билинг.

Истасангиз, инсон зотин бир миллат билинг,

Ким юксалар, бу Ватанда биз юксалмасак!

Жаҳонаро бугун яна ўрнимиз бордир,

Ўзимизнинг байробимиз гербимиз бордир.

Ҳеч ерда йўқ меҳнатсевар элимиз бордир,

Ким яйрайди, бу Ватанда биз яйрамасак!

Тиклайлик-да бугун яна Темурийларни,

Асли қайдан билсин ҳамма Бобурийларни.

Рұҳларини шод этайлик Навоийларни,

Ким тиклайди, бу Ватанни биз тикламасак!

“Дилба ёр-у, дастба кор”ни айтгани учун,

Нақшбандий қадри яна қайтгани учун.

Бухорий-у, Термизийлар ётгани учун,

Ким яшайди, бу Ватанда биз яшамасак!

Шу Ватан леб фидо бўлган бағри қуюкка,

Жангларида қалқон бўлган қўкси уюқقا.

Жалолиддин жони қурбон шундай буюкка,

Ким ўхшайди, бу Ватанда биз ўхшамасак!

Шу юрт ичра номи улуғ азизларинг бор,

Илҳом сифмас шоирлару ҳофизларинг бор.

Кувват бергин номдору, номсизларинг бор,

Ким куюнар, бу Ватанга биз куюнмасак!

Яхшиларнинг қаторида сафим бўлса гар,

Халқим учун баҳтиёрман нафим бўлса гар.

Аҳад толмас хизматингдан умрим бўлса гар,

Ким суюнар, бу Ватанга биз суюнмасак!

2009



ОНАМНИНГ БАГРИДА...

Болалик йиллари лаҳзадай ўтди,
Ҳаёт синовлари қулимдан тутди.
Гүё баҳор тугаб, ёз келиб етди,
Ёшлигим эсласам, ёнгайдир дилим,
Онамнинг бағрида беармон эдим.

Кунга тун уланиб ўтар бирма-бир,
Жонга ором бермас беаёв тақдир.
Юрак таскин истаб нажот сўрайдир,
Фамлар гирдобида минг сарсон борим,
Онамнинг бағрида беармон эдим.

Нигоҳларим ўйчан олисга боқар,
Ҳасратларим тинглаб тунларим оқар.
Осмон ҳам ҳолимдан жим маъюс тортар,
Мени овутмоқча ожиз ўз кўнглим,
Онамнинг бағрида беармон эдим.

Кимларгадир балким ўткинчи ҳаёт,
Кимлардир яшайди қолдирай деб от.
Қалбида ўт бўлса тирик одамзод,
Менинг дил оҳимни энди тинглар ким,
Онамнинг бағрида беармон эдим.

Баъзан ҳар ёнимни ўрайди савол,
Қалбим ҳам бемаъно ҳисларга ишғол.
Ўзимни алқамай юрганда беҳол,
Ёлғизлик жабрини жуда кўп тортдим.
Онамнинг бағрида беармон эдим.

Ўйласам онамни, қон бўлар бағрим,
Соғинч азобидир энг оғир дардим.
Жондан ўтиб алам, тугаса сабрим,
Дилимда бир сўзни минг такрор этдим:
"Онамнинг бағрида беармон эдим."



КЕЧИРОЛМАЙМАН

Күзимдаги ёшлар қонга ўхшайды,
Сени йўқотганим чинга ўхшайды.
Ҳар учраган одам сенга ўхшайды,
Сен учун ўзимни кечиролмайман.

Қўрқаман, бошқани севиб қолишдан,
Яна иккинчи бор куйиб қолишдан.
Не фойда бунақа ўйин қилишдан,
Сен учун ўзимни кечиролмайман.

Фирром ўйин қилдим, севдим-айтмадим,
Дилга қийин қилдим, севдим-қайтмадим.
Келишингиз билдим, аммо кутмадим,
Сен учун ўзимни кечиролмайман.

Дард бўлсин, оғрисин кўзга кўринсин,
Ички дард ёмондир, илдизи куйсин.
Инсон ичда эмас, кўзида севсин,
Сен учун ўзимни кечиролмайман.

Сен ҳам мендан баттар қайсар экансан,
Чўгни ҳам ўйламай босар экансан.
Ўз йўлингни ўзинг тўсар экансан,
Сен учун ўзимни кечиролмайман.

Битта гапни минг йил ёзгандан не наф,
Битта чўғни минг йил босгандан не наф.
Ўз йўлингни ўзинг тўсгандан не наф.
Аҳаднинг тилини кесгандан не наф.
Юрагингда қабр қазгандан не наф,
Кечир, деб кечикиб келгандан не наф,
Сен учун ўзимни кечиролмайман...



КИМЛАРДИР

Севгининг шартлари оғир бўларкан,
Севгининг дардлари оғир бўларкан.
Бу йўлда кимлардир гирён йиғласа,
Кимлардир ёр қучиб шодон куларкан.

Мени ҳам йўқлади, дўстлар, ишқ фасли,
Сўнг кетди бўзлатиб, вайрон дил қасри.
Армондир юракда энди ёр васли,
О, фироқ дардида умринг сўларкан.

Бош эгдим кўхна дард остонасида,
Келдим сўнг аламнинг вайронасида.
Ғанимим юргандек жоним ҳасдида,
Хатарлар сояси кўксинг тиларкан.

Ўйлайман, яшамоқ синовми сийлов,
Биров жоним дейди, молим дер биров.
Йигирма ёшимда сочимда қирор,
Билмам умр қачон бахтга тўларкан.

Мудом сен ҳақингда хаёл сураман,
Тушларимда кўзларингни кўраман.
Ёнимга келсанг гар, жоним бераман,
Аҳад ўшал кунни бедор кутаркан.

Севгининг шартлари оғир бўларкан,
Севгининг дардлари оғир бўларкан.
Бу йўлда кимлардир гирён йиғласа,
Кимлардир ёр қучиб шодон куларкан.

2008

МУҲАББАТ НИМА У?

Муҳаббат қайғумас, муҳаббат кулгу,
 Муҳаббат уйқумас, муҳаббат туйғу.
 Муҳаббат оғумас, муҳаббат орзу,
 Муҳаббат нима у, муҳаббат ёғду!

Юракда ўчмасин ишқнинг жилоси,
 Аламга кўчмасин ишқнинг жилоси.
 Ҳижроннинг тушмасин бошга балоси,
 Муҳаббат оташ бу, муҳаббат чўғ бу!

Хаёлимни олди юлдузлар рақси,
 Оидаги доғлар бу, ошиқлар акси.
 Жавобин топғандай кўнгиллар баҳси,
 Муҳаббат аксингдур, муҳаббат кўзгу!

Мени ром айлади, эй ёр, жамолинг,
 Бир зум ором бермас, дилни висолинг.
 Билмадим қайдадир манзил маконинг,
 Муҳаббат сезги бу, муҳаббат севги!

Ҳар нафасда минг бор номинг сўйладим,
 Ақлу ҳуним бериб, сени ўйладим.
 Сенинг дардинг билан мудом куйладим,
 Муҳаббат чолғу бу, муҳаббат мангур!

Мендек билармикан ўзга қадрингни,
 Дариг этма жоним, дилдан меҳрингни.
 Олислардан сездим соҳир сеҳрингни,
 Муҳаббат жодуми, муҳаббат эзгу?

Сени изламайман тогу тошлардан,
 Ахтариб юрмайман кўзда ёшлардан.
 Сўрамайман боғда дилгир қушлардан,
 Муҳаббат гўзаллик, муҳаббат оху!

Аҳад, бир кун битар дилнинг яраси,
 Ўз-ўзидан тинар кўзнинг жоласи.
 Кимларгадир етса юрак ноласи,
 Муҳаббат кўнгил бу, муҳаббат гул бу!

Муҳаббат қайғумас, муҳаббат кулгу,
 Муҳаббат уйқумас, муҳаббат туйғу.
 Муҳаббат оғумас, муҳаббат орзу,
 Муҳаббат нима у, муҳаббат ёғду!



СЕВГИНИНГ ҚАДРИ

Кечикиб бўлса-да, келса ишқ фасли,
Ким эшик очмаса, хато қилади.
Англаганим, дўстлар, дунёда асли,
Севгининг қадрини севган билади.

Бу гапидан кимдир ҳайрон бўлади,
Ким севмаган бўлса, зимдан кулади.
Хаёлга чўмғанлар севган бўлади,
Севгининг қадрини севган билади.

Муҳаббат ўт ёқса юракка бир бор,
Ҳаловатинг олиб қиларкан бедор.
Жонингни азобда ало қилади,
Бунинг нималигин суйган билади.

Етишмоқ истаган ишқнинг аслига,
Хаёлида кутган ёрнинг васлига.
Аҳаддай ҳажрида куйган билади,
Севгининг қадрини севган билади.

Кечикиб бўлса-да, келса ишқ фасли,
Ким эшик очмаса, хато қилади.
Англаганим, дўстлар, дунёда асли,
Севгининг қадрини севган билади.

2008

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ...

Илон заҳри, ё аёл макри,
Қайси бири баландроқ заҳри.
Бири танга, бири жонга қасд,
Үлдиради, йўқ зарра фарқи.

2004

ЮРАКДАН НАРЁҚҚА ЧИҚМАС ОВОЗИМ

Баргларим совурилди дарахтлар ичра,
 Бахтларим қоврилди бебахтлар ичра.
 Дарларим соғиндим карахтлар ичра,
 Хаста, бемор деган олдим лавозим,
 Юракдан нарёққа чиқмас овозим.

Соғинчлар құксимга қамалиб олган,
 Ҳасратим ўзига ўралиб олган.
 Шеърларим қүшиққа йұналиб олган,
 Қүшиқчи шоирдир уятли номим,
 Дардсиз қүшиқларим ишқсиз-иснодим.

Жавзо ўхшатилар қора узумга,
 Иккитаси мана, сенинг күзингда.
 Хушомад боғлама бунча сүзингга,
 Дилемда шайтонлар құлмоқда базм,
 Оллоҳим, барига ўзинг бер түзим.

Қулоғим остида шивирлайди куз,
 – Вақт ўтиб кетмоқда ҳаётингни туз.
 Ҳаётимда энди йүқдир ўша қиз,
 Шундай деб ўзимга ўтқаздим таъсир,
 Елкамдан түшсин деб йигирма асп.

Баргларим совурилди дарахтлар ичра,
 Бахтларим қоврилди бебахтлар ичра.
 Дарларим соғиндим карахтлар ичра,
 Хаста, бемор деган олдим лавозим,
 Юракдан нарёққа чиқмас овозим.

2009



СОФИНЧ

Бунчалар бесабр бўлмасам,
Кутишни билмаган мен нодон.
Қалбим ёнар агар ухласам,
Хаёлларим ўзимдан чаққон.

Кўз юмдимми сени ёнингга,
Хаёлларим учеб боради.
Кул бўлай деб хоки пойингга,
Борлиғидан қочиб боради.

Уйғонсам қийнайди хотиранг,
Ухласам, ёлғончи хаёллар...
Асабларим тортилар таранг –
Миямга куй чалар шамоллар.

Ачитади кўзимни пиёз,
Ошхонадан ўчим оламан.
Ва бармоғим тешаман бир оз,
Ўз қонимдан ичиб оламан.

Дардларимни солиб қозонга,
Қайнатаман фикрларимни.
Ва нонушта қилиб аzonга,
Тўяман еб ўз шеърларимни.

Кунинг қурсин, шоир, дер қопик,
Кўзёшимни дори қиламан.
Ақад Қаюм – ғалати ошиқ,
Мен сизни ғалати севаман.

Бунчалар бесабр бўлмасам,
Кутишни билмаган мен нодон.
Қалбим ёнар агар ухласам,
Хаёлларим ўзимдан чаққон.

ШАРТ ЭМАС

Мен учун яшашиңг шарт эмас.

Мен учун йиғлашиңг шарт эмас.

Тұнлари қон ютиб фақат мен учун –

Жонингни қийнашиңг шарт эмас.

Худога ҳам хуш келмас бу иш,

Бу севгимас, оддий қизиқиш.

Керак эмас бунга сиқилиш,

Мажбуран чидашиңг шарт эмас.

Шарт эмас ортиқча ғам-ғусса,

Мени унут дейман алқисса.

Хотиралар сени чалгитса,

Қүнгилни тинглашиңг шарт эмас.

Қүнгил билан юрак ҳам баъзан,

Үзмоқ бўлар гоҳо ақлдан.

Буни узинг ўйлаб кўр маънан,

Гулламай сўлишиңг шарт эмас...

Мен учун яшашиңг шарт эмас,

Мен учун йиғлашиңг шарт эмас.

Тұнлари қон ютиб фақат мен учун –

Жонингни қийнашиңг шарт эмас.

2009

ЗАМОНАВИЙ ШИОР

Яшаш керак, пул топиш керак.

Қўнгил топиб, йўл топиш керак.

Ҳаммасига улгуриш учун,

Ярим қарич тил топиш керак.

2004



ҚАЕРДА ЮРИБСАН, МУҲАББАТ?

Бошимга тушғанда мусибат,
Келиб бир қилмадинг муруват.
Хаста жөнім ёлғыз қолдириб –
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Менга қараб зерикдингми ё,
Бир меҳрга зориқдингми ё.
Бахтлиларга энтиқдингми ё,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Ёки сен ҳам актёрмисан,
Ёлғон баҳтдан баҳтиёрмисан.
Ёмон роллардан безормисан,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Тилло қасрларда безакдек,
Бойларнинг қўлида узукдек.
Кимларнинг кўнглида зулукдек,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Кўзёшга ювилди сочиқлар,
Ғуссага чўмилди ёстиқлар.
Тегирмондек чайнар оғриқлар,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Севги деб соchlарим супурги,
Ёлғонлар совуннинг кўлиги.
Пойимда ҳижроннинг этиги,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Сенсиз ман фўзачўп ўтилман,
Кам-кўстсиз навраста етимман.
Кўзим тўрт, йўл пойлаб кутдим ман,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?

Не учун билмайсан ўз қадринг,
Бирор ўйин қилмасин дардинг.
Бир меҳрга зордир Аҳадинг,
Қаерда юрибсан, муҳаббат?



КЕЧИР

Кечир, сенга дунёларни беролмадим,
 Кечир, ёлғиз вафодорим бўлолмадинг.
 Кечир, қанча умидларинг увол қилиб,
 Кечир, гулим сени баҳтли қилолмадим.

Кечир, жоним, асролмадим ваъдаларни,
 Кетиб қолдим кўтаролмай зардаларни.
 Кўзларингнинг қаролари тушларимда –
 Кўзмунчоқдек юрагимда қадаларми?

Кечир мени, бўйнимдадир хатоларим,
 Кечир мени, кутганингда боролмадим.
 Ўз қалбини тушунмаган бир телбаман,
 Кечир, қадринг билолмадим, билолмадим.

Кечир, Аҳад ижодни деб сендан кечди,
 Илҳом кутиб қон тупурди, заҳар ичди.
 Юртни битта дардига малҳам бўлай деб,
 Адабиёт қисматим деб бағрин очди...

Кечир, сенга дунёларни беролмадим,
 Кечир, ёлғиз вафодорим бўлолмадинг.
 Кечир, қанча умидларинг увол қилиб,
 Кечир, гулим сени баҳтли қилолмадим.
 Кечир...

2009

ДОНОЛАР...

Донолар ўрганиб ҳар бир илмдан,
 Қочмоқни не иложин топиб ўлимдан.
 Гўрга кираётиб дедиларки сўнг --
 Ҳеч нарса келмаскан, афсус, қўлимдан.

2004

СИЗГА ИШОНМАЙМАН

— Сизга ишонмайман —

Түғри тушунинг...

Лабларинг титрайди, қўлинг қалтирас.
Ярим тун.
Фалакда битта юлдуз йўқ,
Осмонни қоп-қора булат тўлдирас.

— Гуноҳим айтинг!..

Хозир кетаман!..

Яна юрагингда умид милтирас.
Ақлимдан, жаҳлимдан нахот кутаман,
Хиёнат ва уят мени ўлдирас.

— Сиз мени умуман севмагансиз-а?!..

Бошингни шубҳаю савол тўлдирас.
Елкамда тарози тошларин ўйнаб,
Иккита фаришта ҳасоб тўлдирас.

— Мақсадингиз борми, яшашдан ўзи?!..

Ғамгин нигоҳларинг масхара қилар...
Бахтли қилолмадим, кечир азизим,
Бахтни тушунмайди менинг кабилар.

— Мен кетдим!..

Кутмовдим сиздан барибир!

Зарб билан эшикни ёпиб кетасан.
Оловнинг ичидаги қолдириб чиқиб,
Эшикнинг ортида мени кутасан.

— Сизга ишонмайман —

Түғри тушунинг...

Лабларинг титрайди, қўлинг қалтирас.
Ярим тун.
Фалакда битта юлдуз йўқ,
Осмонни қоп-қора булат тўлдирас.

ТҮХТАМАСИН СЕНИ СЕВИШДАН

Худога ёлвордим, йигладим,
Сендан ўзга ёрни севмадим.
Багримга тиғсанчиб ўлмадим,
Түхтаса ҳам юрак уришдан.
Түхтамасин сени севишдан.

Сенга дедим баҳтим, боримни,
Сенга бердим қалбим түрини.
Сенга бердим күзим нурини,
Түхтаса ҳам күзим күришдан,
Түхтамасин сени севишдан.

Қочмадим азобдан, ўлимдан,
Қайтмадим танлаган йўлимдан.
Исминг тушмас асло тилимдан,
Түхтаса ҳам тилим сўзлашдан,
Түхтамасин сени севишдан.

Икки қўлим, иккита қанот,
Уча олмай қилмоқда фарёд.
Сенинг севгинг қалбимга најот,
Түхтаса ҳам қўлим сезишдан,
Түхтамасин сени севишдан.

Дунёдан чарчадим, зерикдим,
Фақат ишқ аҳлига энтиқдим.
Нима қилас охир кўниқдим,
Чарчаса ҳам қалбим яшашдан,
Чарчамасин сени севишдан...

Худога ёлвордим, йигладим,
Сендан ўзга ёрни севмадим.
Багримга тиғсанчиб ўлмадим,
Түхтаса ҳам юрак уришдан,
Түхтамасин сени севишдан.



МЕНИ КУТМА, НИЛУФАР

Бошқадан бахтинг ахтар,
Хаётинг қилма заҳар.
Унут энди барчасин,
Мени кутма, Нилуфар.

Баҳорларни кутсанг ҳам,
Алёрларни кутсанг ҳам.
Ағёрларни кутсанг ҳам,
Мени кутма, Нилуфар.

Бекорга алам ютма,
Ўчган гулханни титма.
Майли, севгим унутма,
Мени кутма, Нилуфар.

Юрагимда йўқ нафрат,
Шуни биламан фақат.
Кечирилмас хиёнат,
Мени кутма, Нилуфар.

Дардга тўшак тўшайман,
Сабабини айтмайман.
Мен барибир қайтмайман,
Мени кутма, Нилуфар.

Аҳаднинг йўллари хун,
Оёғи ишқقا тутқун.
У сенга бормас бугун,
Мени кутма, Нилуфар.

2009

ЭССИЗ, МУҲАББАТ ЭССИЗ...

Йиғлар баҳор, йиғлар куз,
Юрагимдан ўтар муз.
Сени йўқотдим, афсус,
Эссиз, муҳаббат эссиз...

Севгандим, куламан деб,
Шодликка тўламан деб.
Энг бахтли бўламан деб,
Эссиз, муҳаббат эссиз...

Бевафо, қолдим сенсиз,
Кўзёшим денгиз, денгиз.
Биргамасмиз иккимиз,
Эссиз, муҳаббат эссиз...

Эссиз, аҳду паймонлар,
Гилсиз қолди осмонлар.
Ўртамиизда ёлғонлар,
Эссиз, муҳаббат эссиз...

Кўксим йиртар хиёнат,
Юракда ўсар нафрат.
Қандай яшайсан. Аҳад,
Эссиз, муҳаббат эссиз...

2009

УСТОЗНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ-У...

Тиғдек санчиб устознинг сўзи,
Очилди-ку шоғирднинг кўзи.
Ўшал сўзга амал қилолмай,
Йиғлар эди устознинг ўзи.

2004

АЙТИШУВ

(күшік)

Қиз: Бегим, севги синовдир,
Сабр этсанг, сийловдир.
Мұхаббат – бу чұғ экан,
Күл остида оловдир.

Йигит: Гулим, умр гаровдир.
Хар бир қадам сүровдир.
Одамдек севолмасам,
Мендан нима қоладир.

Қиз: Бегим, севги ўйинмас,
Мато әмас, қийиммас.
Ёлғончи ошиқларга,
Хар күн сеямоқ қийинмас.

Йигит: Гулим, сұзим әртакмас,
Синамоққа әрмакмас.
Лафзи ҳалол йигитман,
Сүздан қайтган әркакмас.

Қиз: Бегим, ваъданг қоп-қолдир,
Сенга гумоним күпдир.
Йигитларга билсанг, гар,
Аслы ишончим йүқдир.

Йигит: Гулим, ақлинг ошдими,
Менга томон тошдими.
Дилингдаги мұхаббат,
Е бутунлай үчдими?

Қиз: Бегим, сүзларинг хато,
Күтарма бунчағавго.
Сүзлар ўйинин ясаб,
Қалбимни этма яро.

Йигит: Гулим, сенга жон фидо.
Сен малика, мен гадо.
Агар бир күн күрмасам,
Күйешим дарё, дарё...

Қиз: Бегим, шартларим бордир,
Аввал отамни күндир.
Уни ишонтиrolсанг,
Йүқдир бошқа хавотир.

Йигит: Гулим, мен ким Ақадман.
Мардман соғибжуръатман.
Буни күп ўйлайверма,
Отанг билан улфатман.

Нақорат:
Дилда нағо күй бўлсин,
Розиман де, тўй бўлсин.

ҮШАЛ КУННИ КУТИБ ЯШАЙМАН

Күзёлларим ютиб яшайман,
Софингларда куйиб яшайман.
Бизлар бирга бўлармиз бир кун,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

Ҳар қадамда гарчи мингта дард,
Менга улар туйилали баҳт.
Висолингга етмоғим бу шарт,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

Минг йиллик саҳродан кезаман,
Миллион йил денгизда сузаман.
Қанча тўсиқ бўлса, бузаман,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

Севдим леган қароринг учун,
Икки чашми хуморинг учун.
Сабринг учун, мадоринг учун,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

Азизим, сен унутма шуни,
Майли, ула йилларга кунни.
Санаб-санаб ҳар битта тунни,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

Ёқаман, ўхшайсан енгга сен,
Хомушсан бунчалар нега сен.
Ишонганинг учун менга сен,
Ўшал кунни кутиб яшайман.

2009



БИЛАРДИМ, СЕЗАРДИМ

Билардим, сезардим мени севишинг,
Ҳар куни куттардим қайтиб келяшинг.
Истардим, ёнимдан кетма дейишинг,
Мұхаббат дардила ёниб куишишинг.

Сендан кечолмайман, юрак қўймайди,
Сендан бошқасини кўнгил суймайди.
Кўзимга термулиб бир бор боқсанг, бас,
Сенга қарайвериб кўзим тўймайди.

Ўйлардим, дайри-дун чархи фалакда,
Ҳар лаҳза талпинар юрак-юракка.
Гарчи китоб ичра яшамасак ҳам,
Умримиз ўхшайди ширин эртакка.

Боғингга пинҳона кўзим тушибди,
Ширага етилиб узум пишибди.
Оқшомда фунчага дардинг айтибсан,
Саҳарда атиргул сиринг очибди.

Мендан ҳеч нимани яширолмайсан,
Қалбинги яшириб яшаёлмайсан.
Етмишта юлдузга айтган гапингни.
Не учун Аҳадга айта олмайсан.

Билардим, сезардим мени севишинг...

2009

ИСРОФГАРЧИЛИК...

Маза бўлар, маза бўлар,
Ҳаммаси топ-тоза бўлар.
Юрак хомуш, чўнтак бўм-бўш,
Тўйдан кейин аза бўлди.

2004



ТАСОДИФАН СЕВИБ БҮЛМАЙДИ

Тасодифан учрашиш мумкин,
Тасодифан ажрашиш мумкин.
Тасодифан ҳар не бўлса ҳам,
Тасодифан севиб бўлмайди.

Ҳеч иложи топилмаганда,
Бахт келади кутилмаганда.
Ҳеч бир орзу рўй бермас эди,
Тақдирингга битилмаганда.

Тасодифан туғилиш мумкин,
Яшаш мумкин, ё ўлиш мумкин.
Эслаш ёки унутиш мумкин,
Тасодифан севиб бўлмайди.

Ҳинди斯顿да бир тўйни кўрдик,
Келин испан, куёв хитойлик.
Самарқандда фарзанд кўрищи,
Демак, бола Ўзбекистонлик.

Тасодифан бошланар уруш,
Офат келар ёки қирилиш.
Сиёsatда бўлар бурилиш,
Тасодифан севиб бўлмайди.

Чойхонада бир чолни кўрдим,
Дейди: мен уч асрдан ўтдим.
Севганимисиз, отахон, дедим,
Кампиримни сенганиман, дейди,
Айтиб юрма, ўзи билмайди.

Ҳар ким муҳаббатини топсин.
Қисматдаги жуфтини топсин.
Аҳад истар, бахтини топсин,
Тасодифан севиб бўлмайди.

2009

ҮЛДИРСА, СЕВГИ ҮЛДИРСИН

Эски ишқнинг жароҳатин,
Янги муҳаббат тўлдирсин.
Тўсманг ошиқларнинг йўлин.
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

Истаганича синашсин,
Айрилиқда дил кўйдирсин.
Бир кун висолга стишсин,
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

Гумон ўлдирғандан кўра,
Ёлғон ўлдирғандан кўра.
Армон ўлдирғандан кўра,
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

Бир бедавони севибман,
Ишқида жондан тўйибман.
Кимлигин билиб дедим ман,
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

Юрагимдан қонлар оқди,
Суйганим ўзгага боқди.
Дил бир ҳақиқатни уқди,
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

Шудир тақдир, шудир қисмат,
Ўлдираркан чин муҳаббат.
Бу ҳам бир баҳт, ошиқ Аҳад,
Ўлдирса, севги ўлдирсин.

2009

СЕВИБ ҚОЛИШДАН ҚҮРҚАМАН

Ёлғизликда ўтсин умр,
Жонимни ўтда ёқаман.
Билмадим-у нимагадир,
Севиб қолишдан қүрқаман.

Қүрқмайман аёл макридан,
Қүрқмайман чаён заҳридан.
Қурқмайман ғаним қаҳридан,
Севиб қолишдан қурқаман.

Бошимга тушса ҳам қулфат,
Қиласын сабру қаноат.
Хар нега тайёрман фақат,
Севиб қолишдан қурқаман.

Бир марта суйганим учун,
Алданиб күйганим учун.
Онам ранжимасин учун,
Севиб қолишдан қурқаман.

Күнгил одатим ташлолмай,
Юрак билан келишолмай.
Оддий одамлек яшолмай,
Севиб қолишдан қүрқаман.

Дардан, қийналишдан эмас,
Яна синалишдан эмас.
Ҳатто, уйланишдан эмас,
Севиб қолишдан қүрқаман.

Деманг, қандай ўтар кунинг,
Дил сүзларимга ишонинг.
Аҳадни тўғри тушунинг,
Севиб қолишдан қүрқаман.



ЁЛВОРАМАН

Қалбингизни тор құлманг, деб ёлвораман,

Севгимизни хор құлманг, деб ёлвораман.

Ёлвораман мендай ошиқ қадрин билмай,

Үзгасини ёр құлманг, деб ёлвораман.

Оввораман, ортингиздан оввораман,

Согинаман, сизни ўйлаб тобораман.

Әннингизда айланаман ўрғиламан,

Күзларингиз күр құлманг, деб ёлвораман.

Савлатига сармаст бўлиб севдим, деманг,

Муҳаббатнинг нималигин билдим, деманг.

Алдаб кетса, тўйдим деманг, куйдим деманг,

Ёлгонлардан тўр құлманг, деб ёлвораман.

Фаниматдир, омонатдир дийдоримиз,

Эрта учун пойдевордир қароримиз.

Йўқлаб турса баҳоримиз, баҳоримиз,

Йўлимизни қор құлманг, деб ёлвораман.

Ишқ саҳросин ўзим ёлғиз кезаман деб,

Аҳад, сенсиз, баҳт жадвалин тузаман деб.

Яна келсанг, ўзим сени осаман деб,

Сочларингиз дор құлманг, деб ёлвораман.

Үзгасини ёр құлманг, деб ёлвораман.

2009

БОЙЛИК ДЕБ...

Баъзилар пулни кўп йиф, дейди,

Бой бўлсанг узоққа борасан.

Бойлик деб йўлингдан адашиб,

Кўпинча тузоққа борасан.

2004

ҲЕЧ КИМ

Кетаман, узоққа кетаман,
 Жавобсиз севгини нетаман.
 Сени деб дүнёдан ўтаман,
 Юраккинам оғрийди сим-сим,
 Энди менга ҳеч кимсан, ҳеч ким.

Сиқилиб, тұлиқиб йиғлайсан,
 Изларимни ўпидіб йиғлайсан.
 Оёқларинг тепиб йиғлайсан,
 Құй, мени ҳам йиғлатма юм-юм,
 Энди менга ҳеч кимсан, ҳеч ким.

Күзёшларинг келади ичким,
 Фамларингни тунлари құчгум.
 Севгимдан эмас, сендан кечгум,
 Йўлларимга термуласан жим,
 Энди менга ҳеч кимсан, ҳеч ким.

Лим-лим түлди сабр қосаси,
 Күзларингнинг тим-тим қораси.
 Ишқ Аҳаднинг етим боласи,
 Күнгил синган яримта ним-ним,
 Энди менга ҳеч кимсан, ҳеч ким.

Кетаман, узоққа кетаман,
 Жавобсиз севгини нетаман.
 Сени деб дүнёдан ўтаман,
 Юраккинам оғрийди сим-сим,
 Энди менга ҳеч кимсан, ҳеч ким.

2009



ҚИСМАТИМНИ АСРОЛМАДИМ

Йўқотдим суйганимни,
Чин баҳтимни асролмадим.
Ким билади куйганимни,
Қисматимни асролмадим.

Ёрим қадри билинади,
Энди бағрим тилинади.
Юрак дардга чалинади,
Жаннатимни асролмадим.

Асролмадим уни нега,
Ўзи нима бўлди менга.
Жону дилим бериб унга,
Давлатимни асролмадим.

Ўлгунча мен билан бўл, деб,
Мен билан ўйнагин қул, деб.
Ёнимда нур сочиб юр, деб,
Ниятимни асролмадим.

Аҳад, қаңдай ношукурсан,
Ўзингча бунча мағурсан.
Энди ёлғиз яшаб кўрсан,
Ҳаётимни асролмадим.

Йўқотдим суйганимни,
Чин баҳтимни асролмадим.
Ким билади куйганимни,
Қисматимни асролмадим.

БУГУН БҮЛДИНГ БЕГОНА

Кетдинг-а, согинтириб,
Йүгингда мен девона.
Кеча бегим, деб туриб,
Бугун бүлдинг бегона.

Нечун мени алладинг,
Висолингга аврадинг.
Күз олдимда сувратинг,
Дард ютарман пинҳона.

Найлади муҳаббатинг,
Бошқа экан қисматинг.
Буни ўзинг истадинг,
Умрим этдинғ вайрона.

Асир бүлдинг ёлгон-а,
Күзларим түлган қон-а.
Кул бүлдим ёна-ёна,
Савдойиман ҳайрона.

Ишқ нима, Аҳаддан сүр,
Севги бу ечилемас сир.
Ёлғизсан, ўзингдан күр,
Қайтар дунё ёмон-а?

Кетдинг-а, согинтириб,
Йүгингда мен девона.
Кеча бегим деб туриб,
Бугун бүлдинг бегона.

БОҒБОН КҮПАЙДИ...

Орзуни кўп қилдим, армон кўпайди,
Маслаҳат ош қилдим, нодон кўпайди.
Ер очдим, сув келди, кейин боғ бўлди,
Мевага киргандга боғбон кўпайди.



МУҲАББАТСИЗ БАХТНИ БАХТ ДЕМАС

Худо гувоҳ, қасам ичаман,
Севгинг учун жондан кечаман.
Қисматимдан қайга қочаман,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.

Сенсиз кўрган тушларим ёлғон,
Сенсиз юрган йўлларим армон.
Сенсиз менинг яшашим гумон,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.

Қўлларим қон, ишқи жароҳат,
Қайда жонон, маъшуқи роҳат.
Висол учун қилурман тоқат,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.

Қачон йиглаб, қачон қуламиз,
Бу дунёга бир бор келамиз.
Биз, албатта баҳтли бўламиз,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.

Ақад шоир шарти бўладир,
Муҳаббатнинг тафти бўладир.
Ҳар инсоннинг жуфтти бўладир,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.

Худо гувоҳ, қасам ичаман,
Севгинг учун жондан кечаман.
Қисматимдан қайга қочаман,
Чин ошиқлар дардни дард демас,
Муҳаббатсиз баҳтни баҳт демас.



ҚАЧОНДИР СЕН МЕНИ ЁДГА ОЛАСАН

Қачондир сен мени ёдга оласан,
Кимсасиз саҳродек ёлғиз қоласан.
Севгимизни эслаб ўйга толасан,
Дунё айланадур, бир кун вақт ўтар,
Ҳамма қилмишларинг ўзингга қайтар.

Яхшига яхшилик қайтади, бир кун,
Эл унга раҳматин айтади, бир кун.
Ёмонни лаънатлар кутади, бир кун,
Дунё айланадур бир кун вақт ўтар,
Ҳамма қилмишларинг ўзингга қайтар.

Менинг муҳаббатдан бошқа нимам бор,
Бир сенинг хаёлинг доим менга ёр.
Бугун юрагимга сен бердинг озор,
Дунё айланадур бир кун вақт ўтар,
Ҳамма қилганларинг ўзингга қайтар.

Мен-ку эрта яна баҳтим топарман,
Ҳаётга қайтаман шаҳдим топарман.
Йўқотган давлату тахтим топарман,
Дунё айланадур бир кун вақт ўтар,
Ҳамма қилмишларинг ўзингга қайтар.

Бирор ҳаққи бирор қорнида қолмас,
Бирор қарзи бирор бўйнида қолмас.
Ёмонлик Аҳаднинг кўнглида қолмас,
Дунё айланадур бир кун вақт ўтар,
Ҳамма қилмишларинг ўзингга қайтар.

2009

ШИРИН ЁЛҒОНИНГГА АЛДАДИНГ, СЕВГИ?

Нега айрилиқнинг ўтига ташлаб,
Висол лаззатига аврадинг, севги?
Нега ёлғизликда кўзларим ёшлаб,
Ширин ёлғонингга алдадинг, севги?

Муҳаббат ўтига парвона этдинг,
Ёрнинг жамолига ҳайрона этдинг.
Нега висолингни пинҳона этдинг,
Ширин ёлғонингга алдадинг, севги.

Сендан ўзгасини ўйламай қўйдим,
Ишқдан бошқа сўзни сўйламай қўйдим.
Дардсиз қўшиқларни куйламай қўйдим,
Ширин ёлғонингга алдадинг, севги.

Суйганим йўлингга пайдо ошиқман,
Тунлари оромсиз шайдо ошиқман.
Юрагим минг толим яро ошиқман,
Ширин ёлғонингга алдадинг, севги.

Аҳаднинг жонини азобга ташлаб,
Ишқ майин тутқаздинг шаробга ташлаб.
Кел, деб ишонтирдинг саробга ташлаб,
Ширин ёлғонингга алдадинг, севги.

Нега айрилиқнинг ўтига ташлаб,
Висол лаззатига аврадинг севги?
Нега ёлғизликда кўзларим ёшлаб,
Ширин ёлғонингта алдадинг, севти?

ТАНГРИ МЕНИ СЕВМАСМИКИН

Юрагимга теккан сўзлар,
Бошгинамни эгган сўзлар.
Кўзёшимни тўккан сўзлар,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.

Ортимдан отсалар ғийбат,
Душманимга қилсам ҳурмат.
Изласам яхшилик, ҳикмат,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.

Қочсам, нодонлар сафидан,
Ёмоннинг ёлғон гапидан.
Юз бурсам дунё – заридан,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.

Кечирсам, хиёнатни ҳам,
Қайтариб, омонатни ҳам.
Изласам диёнатни ҳам,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.

Оlamни бир кўнгил қилсам,
Оғирларни енгил қилсам.
Аҳад исмини оқласам,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.

Юрагимга теккан сўзлар,
Бошгинамни эгган сўзлар.
Кўзёшимни тўккан сўзлар,
Гуноҳимни ювмасмикин,
Тангри мени севмасмикин.



ВИСОЛИНГГА ҚАЧОН ЕТАМАН...

Мен сени ҳар куни кутаман,
Ёнингга боришга юзим йўқ.
Ўзимни оқлашга сўзим йўқ,
Висолингга қачон етаман...

Мен сени ҳар куни кутаман,
Армонни ўрайман гулларга.
Кунларни улайман йилларга,
Софинчларга бўса тутаман.

Мен сени ҳар куни кутаман,
Келмаслигинг билсам-да гарчи.
Орзуларга урмайман қайчи,
Умид ҳақда шеърлар битаман.

Мен сени ҳар куни кутаман,
Тўғри, балки кечирмагансан.
Аммо дилдан ўчирмагансан,
Хотирадан илинж титаман.

Мен сени ҳар куни кутаман,
Сени эсламаган лаҳзам йўқ.
Сен мени севасан, кўнглим тўқ,
Хаёлларга чўмиб кетаман.

Мен сени ҳар куни кутаман,
Ёнингга боришга юзим йўқ.
Ўзимни оқлашга сўзим йўқ,
Висолингга қачон етаман...

2010



КУТАМАН ТОКАЙГАЧА

Севишиңг менга маълум,
Буни сезади кўнглим.
Кўзингга қараб билдим,
Юрагим парча-парча,
Кутаман токайгача.

Бир сирни сенга айтай,
Қийнайсан атай-атай.
Майли, озоринг ютай,
Нозланма энди бунча,
Келмасанг, катта кўча.

Фир-фир эсар шамоллар,
Олиб қочар хаёллар.
Уйқу бермас саволлар,
Нозланасан намунча,
Ҳали ғунчасан-ғунча.

Яна жабринг бор қанча,
Ҳеч ким ошиқмас манча.
Нархинг борми, хонимча,
Жондан тўйдириб бунча,
Куйдирасан намунча...

Севишиңг менга маълум,
Буни сезади кўнглим.
Кўзингга қараб билдим,
Юрагим парча-парча,
Кутаман токайгача.

2009

ОНАЖОН

Севганимни сиздан ҳам,
Афзал билдим, онажон.
Үша қизни ўйлаб ман,
Касал бўлдим, онажон.

Кечиринг мен нодонни,
Дўст билибман шайтонни.
Ажратишни ўргандим,
Яхши билан ёмонни.

Оқшомлари қон ютиб,
Заҳар ичдим, онажон.
Кеч бўлса-да севгимдан,
Энди кечдим, онажон.

Онајон, сиз йиғламант,
Ақлим кирди ҳар ҳолда.
Кумдан қаср қурибман,
Тўзғиб кетди шамолда.

Макру тузоқ илкидан,
Энди қочгум онајон.
Ўғлингизни авролмас,
Энди ҳеч ким, онајон.

Онајон. Аҳад энди,
Кечаги ёш боламас.
Яхшига қучоқ очиб,
Ёмонликни хоҳламас.

Севганимни сиздан ҳам,
Афзал билдим, онајон.
Үша қизни ўйлаб ман,
Касал бўлдим, онајон.

КҮНГЛИМ ЙИГЛАЙДИ...

Қачондир бизлар ҳам унут бўламиз,
Шамолнинг бағрида сукут бўламиз.
Қўлдан чиқарилган ёқут бўламиз,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди,
Суйганим кутганда нега келмайди?

Қадримизни сочиб тупроқ қилдилар,
Тупроғимиз титиб сўроқ қилдилар.
Айбимиз не эди, бундоқ қилдилар,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди,
Армонли тунларим кўксим доғлайди.

Ортимдан миш-мишлар сўзлар ёнади,
Қай даврага кирсам, кўзлар ёнади.
Эртага ортимдан излар ёнади,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди,
Дилдаги фарёдим ҳеч ким билмайди.

Дунёни безатиб қилсак гар сайқал,
Бир пул, ўзимизга қўйсак ҳам ҳайкал.
Барибир вақт ўтиб кимdir тош отар,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди,
Бу дардга чидолмай юрак инграйди.

Умр ўтмоқдадир, ҳаёт оқмоқда,
Бу замон адашиб кимга боқмоқда.
Мени кутган кўзлар бағрим ёқмоқда,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди.
Аҳад шоир сатри куйда янграйди.

Қачондир бизлар ҳам унут бўламиз,
Шамолнинг бағрида сукут бўламиз.
Қўлдан чиқарилган ёқут бўламиз,
Кўзларим кулса ҳам кўнглим йиглайди,
Суйганим кутганда нега келмайди?

2008



МАЛИКАМ

Маликам, нақадар баҳтлисиз бугун,
Энди сиз томонда қүёш ботмагай.
Менинг ҳолим забун, толеим нигун,
Наҳот осмонимда тонглар отмагай.

Маликам, күзингиз лов-лов ёнади,
Ичимда чүф бўлиб олов ёнади.
Мен ёлғизман десам, ким ишонади,
Энди эшигимдан шомлар кетмайгай.

Маликам, ҳижрон бу, азобдир улкан,
Кўксимга тиф бўлиб санчилган тикан.
Юракни армонга тўлдирап экан,
Сизни сўраб мудом кўнгил ётмагай.

Ҳаётимда йўқдай мазмун маликам,
Сизга борми мендек мафтун маликам.
Куйларим шу қадар маҳзун маликам,
Йиғладим мисоли Мажнун маликам.

Маликам, айтайин энг сўнгги сўзни,
Беаёв шёр қисмат айирди бизни.
Сиз мени унутинг, мен эса сизни,
Барибир у дамлар, энди қайтмагай.

Маликам, нақадар баҳтлисиз бугун,
Энди сиз томонда қүёш ботмагай.
Менинг ҳолим забун, толеим нигун,
Наҳот осмонимда тонглар отмагай.

2008

ЭЙ ДИЛОРОМ

Эй Дилором,
 сени эслаб бу оқшом,
 Күзларимга ҳалқа-ҳалқа ёш келди.
 Қанийди, ёнимда бўлсайдинг бир зум,
 Бир зумгина сени кўрсам кошкийди.

Эй Дилором,
 йигладим бу кечаман,
 Наҳот сендан айрилдим мен-кеча ман.
 Сенсиз бир лаҳзани ўтмоғи оғир,
 Ўзинг ўйла, сендан қандай кечаман.

Эй Дилором,
 дардларим дарё бўлди,
 Муҳаббат ҳам нархланиб савдо бўлди.
 Мен билмадим не эди гуноҳларим,
 Сенсиз қолдим жонимга жазо бўлди.

Эй Дилором,
 эй Дилором, билсайдинг,
 Ошиқ Аҳад қалбини тушунсайдинг.
 Сани манга Худо учратган эди,
 Бир боргина тақдирга ишонсайдинг.

Эй Дилором,
 сени эслаб бу оқшом,
 Күзларимга ҳалқа-ҳалқа ёш келди.
 Қанийди, ёнимда бўлсайдинг бир зум,
 Бир зумгина сени кўрсам кошкийди.

2009

НИМА ИСТАЙСИЗ?

Айтинг, нега мени қийнаб яшайсиз,
Нега муҳаббатнинг дилин ғаштайсиз.
Тушунинг, биз бирга бўла олмаймиз,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Хазонлар шивирлар бу тентак ким деб,
Нега бунча маъюс бунчалар жим деб.
Ҳар кун дард ютаман битта айбим деб,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Кўзларим нурига ташна шарпадек,
Эгасин йўқотиб қўйган кулбадек.
Тилло танга излаб юрган телбадек,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Учраган одамга сўзлайсиз мени,
Учраган одамдан излайсиз мени.
Мен ҳасрат қилгани қидирай кимни,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Баҳорга аёнмас қишининг қисмати,
Заҳар тутган ҳижрон дилнинг улфати.
Сизни йўқотганим кўнгил кулфати,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Сизни ўйлайвериб қон бўлди багир.
Қанча уринмайлик, ўзгармас тақдир.
Мен ҳам одамман-ку тушунинг, ахир,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

Қани, айтинг, энди шу қисмат баҳтми,
Менинг ёлғизлигим сизга омадми.
Сизни севолмайман дейишим шартми,
Айтинг, мендан бунча нима истайсиз?

БОРИМ ЭДИНГ СЕН

Кўзгуга боқсам ҳам кўргум юзингни,
 Айт, жоним, мен қайдан топай ўзингни.
 Наҳотки, унудинг берган сўзингни,
 Севгилим, азизим, жоним эдинг сен,
 Кўрганим, билганим, борим эдинг сен.

Хор бўлдим, қалбингнинг остонасида,
 Йиғладим, мұҳаббат вайронасида.
 Ишониб, сўзларинг афсонасига,
 Йўлларимни кутган зорим эдинг сен,
 Ҳаётим, номусим, орим эдинг сен.

Кўнглимни танлаган танҳоси эдинг,
 Умримнинг мазмуни, маъноси эдинг.
 Осмоним юлдузи Зухроси эдинг,
 Кўзлари хуморим, ёрим эдинг сен,
 Кўлимда куй чалган торим эдинг сен.

Сен десам, тилларим исминг такрорлар,
 Сен десам, йўлларим сен томон бошлар.
 Сен десам, ҳасратим кўзларим ёшлар.
 Кўзгуга боқсам ҳам кўргум юзингни,
 Айт, жоним, мен қайдан топай ўзингни,
 Наҳотки, унудинг берган сўзингни,
 Севгилим, азизим, жоним эдинг сен,
 Кўрганим, билганим, борим эдинг сен.

Кўзгуга боқсам ҳам кўргум юзингни,
 Айт, жоним, мен қайдан топай ўзингни.
 Наҳотки, унудинг берган сўзингни,
 Севгилим, азизим, жоним эдинг сен,
 Кўрганим, билганим, борим эдинг сен.



СОФИНЧИНГСИЗ

Хаёлимдан кетмайсан асло,
Тушларимда тинч қўймай, ҳатто.
Ҳаётимда қолмади маъно,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.

Осмонга боқ, биздан-да маъюс,
Тупроқ узра хазондир, афсус.
Армон билан бўлдим юзма-юз,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.

Кетолмай, ҳасратлар шаҳридан,
Ичаман ҳижроннинг заҳридан.
Қўрқаман аламнинг қаҳридан,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.

Дил дафтари — муҳаббатнома,
Дил дардлари мендан девона.
Бахтим излаб бўлдим оввора,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.

Ҳасратим тиқилар томоққа,
Тунларим ўтмоқда ингроқда.
Қандай яшай сендан узоқда,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.

Йўлимиизда қимлар чоҳ қазди,
Дўсту душман орамиз бузди.
Ишончимиз саҳродек тўзди,
Софинчингсиз,
Сенсиз, Севгингсиз.



АЧИНМАН СЕНГА, АТИРГУЛ

Ачинаман сенга, атиргул,
Эслатасан актрисани.
Чаманларни яшнатдинг нукул,
Гул остида асраб тиканни.

Роль ўйнама менга, атиргул,
Бировлар-чун очилиб сўлма.
Йигласанг, ёш тўкиб йиғлагил,
Кулганда ҳам ёлғондан кулма.

2010

ДУНЁДА ЭНГ ЁМОН БАХТСИЗЛИК

Дунёда энг ёмон бахтсизлик нима,
Дунёда энг катта нима йўқотиш.
Нега сен бунчалар ўйландинг дўстим,
Шунчалар қийинми жавобин айтиш.

Балки бутун сенинг баҳту омадинг,
Балки ҳеч нарсангни йўқотмагансан.
Энг катта бахтсизлик севмай яшамоқ,
Энг катта йўқотиш

ҚАЛБИНГ йўқотсанг...

АДАБИЁТ, ЭШИКЛАРИНГ ОЧ

Адабиёт, эшикларинг оч,
Мен ҳам кўрай кўхна архивни.
Мендан мажбур сўрамагин бож,
Кел ёзайлик янги тарихни.

Адабиёт қўл бер, дўстгинам,
Хурматингга бўлай сазовор.
Сенда бўлса бор ҳақиқат жам,
Мен бўлардим энг зўр ижодкор.



ИЧИМДА...

Ичимда нимадир қайнайди,
Ижодми, ташвишми,
Ё бошқа юмуш.
Ақлимни нимадир чайнайди,
Фарёдми, хонишми,
Ё күнгил сүниш...

Ичимда юрагим йиглайди,
Дилчертар ваҳима,
Қайгуриш.
Миям тур, ёзгин, деб қўймайди,
Илм фан кутмоқда
Бурилиш...

Улгуриш керак, дер, улгуриш.

МЕН БАХТЛИМАН

Мен бахтлиман,
Нега йиглайсиз, она!
Дардниям ҳаммага бермайди Худо,
Бахтим – шу дардимда,
Дардим – бахтимда,
Бутун юрт ортимдан қиляпти дуо.

Юрт илдамламоқда чўққилар сари,
Карвон қадам ташлар олдинга қараб.
Мени деб шу Ватан дардидан ариб –
Бир қадам олдинда юрса не ажаб.

2009

ИЖОД БУ...

Ижод бу қалбимнинг қайғуси эрур,
Ижод бу дардимнинг кўзгуси эрур.
Минг йиллик музларнинг жилғаси Аҳад,
Денғизга айланмоқ орзузи эрур.

2003

ИШДАН ЧАРЧАБ КЕЛИБ

Ишдан чарчаб келиб,
Хәётдан түйиб,
Кимгадир захримни сочгим келади.
Дүстдай елкасига бошимни қўйиб,
Кимгадир қалбимни очгим келади.

Кимгадир қўнгироқ қилсан банд бўлар,
Тонгтacha ёришмас ҳеч кўнгил хонам.
Мени шундай пайтда ким ҳам тушунар,
Қани шу пайт ҳаёт, бўлсайди онам.

БИЛДИМ...

Билдим, бу курашда ҳеч ким ютмайди,
Буни йўл ярмида тушундим она.
Ўйиннинг бошидан жонимни тикдим,
Билмам, мендан нима истарлар яна.

Ҳаётнинг ранглари кўринмай қолди,
Ит ва отнинг изи қўшилиб кетган.
Ўз-ўзимни излаб чарчадим, толдим,
Дунё-ҳақиқатнинг бошига етгай...

Қизиқ....
Ўйиннинг бошидан боримни тикдим...

ОРЗУ

Отам, онам билан танишганида,
Тақдирин бирга ҳал қилишганида.
Ният қилганида гар ўғил кўрсак,
Шоир қиласиз деб келишганида.

Камида Навоий бўлардим бугун,
Ўрнига чиқардим балким Пушкинни,
Мен майдонга чиқсан адабиёт, фан,
Дунё тан олмасди мендек ҳеч кимни.



ОТАМИНИНГ ЎТИТИ

-1-

Ота пандин олган кам бўлмас дерлар,
Ушбу сўзларимга, ўғлим, қулоқ сол.
Юрт билган ватандан баҳтини излар,
Бир ерда унмаса, мўрт ўсар ниҳол.

Баъзан бошга кулфат ёғдирап тақдир,
Аммо сен барига қила ол тоқат.
Майли, сувлар кечгин, майли, ўтда ён,
Элнинг назаридан қолмагин фақат.

-2-

Ўрнингдан тургин дарҳол,
Шу ҳам китоб ўқиши?!
Китобни – суриб хаёл,
Ўқима ёзми, қиши.

Қадрим баланд – элимга,
Етсин десанг гар нолам.
Китоб олсанг қўлингга,
Мудрамагин, жон болам.

2007

ШЕЪР ЭКАН ДЕБ...

Шеър экан деб ҳамма гапни ёзаверсанг,
Тилла бор деб ҳамма жойни қазаверсанг.
Йўқ пулингга йўқ режалар тузаверсанг,
Кураман деб борини ҳам бузаверсанг.

Яшайман деб, нафасингни бўғиб қўйма,
Қадр сўраб бор обрўйинг тўкиб қўйма.
Замон қизиқ билмасдан ҳам сўкиб қўйма,
Сув йўқ жойда атиргулни экиб қўйма...

2009

ОЛТИН ДЕБ ОЛГАНИМ...

Олтин деб олганим мис бўлиб чиқди,
 Баҳор деб борганим куз бўлиб чиқди.
 Эккан ниҳолларим хас бўлиб чиқди,
 Фалакнинг тескари боққанин қаранг,
 Душман деб билганим дўст бўлиб чиқди.

Дўстимсан деганим ўғрикўз чиқди,
 Фирибгар деганим тўғрисўз чиқди.
 Мардлигин мақтаган беномус чиқди,
 Битта қиз юз бурди кечса севгимдан,
 Бугун рўпарамда қирқта қиз чиқди.

2009

КУЛИШНИ ИСТАСАНГ...

Кулишни истасанг, бахт кўп дунёда,
 Йиглашни истасанг, дард кўп дунёда.
 Фариблик либосин кийсанг, кўчада,
 Дўстман деб қўл чўзган мард йўқ дунёда.

Дунёдан яхшилик излаган жон кўп,
 Юракка тош солсанг, кўринар ғам кўп.
 Дилингни кенгроқ оч, гулу гулшан кўп,
 Бир меҳр излаган қалб кўп дунёда....

2009

ЧЕКИНИШ...

Қолгим ҳам келмаяпти,
 Кетгим ҳам келмаяпти.
 Нокерак азобларни,
 Ютгим ҳам келмаяпти.

Дунё, бунча дардинг кўп,
 Қадринг йўғу, шартинг кўп.
 Ким сенга меҳр қўйса –
 Ўшани қийнадинг хўп...

2009

АТРОФИМИЗДА...

Атрофимизда жондўст акалар кўпаймоқда,
Опа, сингил, қадрдан укалар кўпаймоқда.
Биз дўстлик тарафдори, янги боғда ниҳолмиз,
Бўйимиздан ҳасадда, тўнкалар кўпаймоқда.

Кўпаймоқда, отасин қабрига тош отганлар.
Хотинининг макрига ўз онасин сотганлар.
Биз ҳақиқат томонмиз, ҳақ томон кетяпмиз деб,
Биз гулзорга кетяпмиз деб, лой балчиқقا ботганлар...

2010

ДЎСТЛАРИМ ҚАДРИМНИ...

Дўстларим қадримни билса, кошкийди,
Севганим дардимни билса, кошкийди.
Умрим карвонидан ёлғонлар кетиб,
Ҳаётим ростларга тўлса, кошкийди.

Дунёда энг баҳтли одам бўлардим,
Бошқаларга ўхшаб ўйнаб кулардим.
Севгига омадим кулса, кошкийди,
Дунёдан беармон балки ўтардим...

2011

ДАРДИНГ БИЛМАСА ДЎСТИНГ...

Дардинг билмаса дўстинг,
Қадринг билмаса дўстинг.
Қандайин йўл тутасан,
Энди ўйлагин ўзинг...

Душманингдан хавф кутиб,
Эҳтимолин оласан.
Кўйинингда илон бўлса,
Аниқ бир кун ўласан.

СОТИБ КЕТДИ ДҮСТАЛАРИМ

Күзларимда дардли кунлар нам бўлди,
Ҳаётимда баҳтли кунлар кам бўлди.
Ярим йўлда
сотиб кетди дўстларим,
Севганимдан айрилдим, алам бўлди.

Дунё, шуқр оилас бор таянчим,
Яхши, ёмон кунларимда суюнчим.
Туғилдимки, кўрганим алам бўлди,
Дарёларга оқиб кетди ишончим.

2011

ЯХШИ ОДАМ ЎТСА ДУНЁДАН

Яхши одам ўтса дунёдан,
Жаннатлар ҳам нурга тўлармиш.
Ёмон одам ўтса дунёдан,
Жаҳаним ҳам ғамга тўлармиш.

Азройил ҳам келиб самодан,
Яхисини танлаб олармиш.
Сабабини сўраб Ҳудодан,
Аршга чиқиб роса йиглармиш...

ШАҲАРДА ЯШАСАНГ

Шаҳарда яшасанг, дейди кўпчилик,
Яшаш яхши, лабда қулгулар.
Оёғингдан ҳадеб тортмас йўқчилик,
Ташқаридан шундай туюлар.

Қишлоқда яшасанг, дейди кўпчилик,
Ҳаёт оғир, қалбда қайгулар,
Ўйлайсан, соат ҳам тўхтаб қолгандек,
Ташқаридан шундай туюлар.



ТҮГРИ ҚИЛЯПМАНМИ?

Түгри қиляпманми,
ёки нотүгри,
Қандай яшаяпман шуни ўйлайман.
Гоҳида керакли юмушлар қолиб,
Нокерак ташвиш деб жоним қийнайман.

Йўқотиш бир сабоқ,
қоқилиш бир дарс,
Гоҳ ақл,
гоҳ юрак бир-бир тинглайман.
Минг марта ўзимни йўқотиб қўйиб,
Минг марта ўзимни қайта ўнглайман....

УМР

Умр – чархпалак,
Юрак – ғилдирак.
Кўнгил – жабркўл,
Мехр – бир челак...

Умр – чархпалак,
Яшамоқ керак.
Йўқотмоқ асли,
Топмоқдан дарак...

ҲАҚИҚАТ

Ҳамма керак гаплар айтиб бўлинди,
Нокерак гаплардан чарчади дунё.
Дилда барча ёлғон жилғалар тинди,
Ҳақиқат – қалбимда мавжланған дарё...

2003

ТҮРТЛИКЛАР

Мен осмонман, юлдузим сенсан,
 Мен кемаман, денгизим сенсан.
 Мен япроқман, илдизим сенсан,
 Гүзалликда төңгизим сенсан.

2011

Ҳар бир дардга, шифо бўлсин, даво бўлсин,
 Ҳар бир кўйда, оҳанг бўлсин, наво бўлсин.
 Ҳар бир кўнгил аҳду вафо қилган яхши,
 Муҳаббатда ўшал аҳдга вафо бўлсин.

2011

УСТОЗЛАР ЎТИТИ

Ҳар бир ишда ярашади асталик,
 Шошқалоқлик келтиради хасталик.
 Элдан аввал чанғ кўтармоқ нодондан,
 Пом чиқармоқ саналмайди усталик.

2003

БИР КАМ ДУНЁ

Яна бир дўстимни йўқотдим бугун,
 Йўқотдим, ўзимни йўқотдим бугун.
 Сен келдинг, севгилим, йўқотдим тинчим,
 Юрагимдан кетиб қолди соғинчим...

2003

МАВҲУМЛИК

Бунда на яшаб, на ўлиб бўлмайди,
 Керак пайт ҳақиқат ғолиб бўлмайди,
 Кўз очиб юмгунча ўтар бугун ҳам,
 Эртага не бўлар, билиб бўлмайди...

2003



ҮРМОН

Шерлар сичқонлардек бекинди аста,
Шоқоллар шерман деб ичди хунимиз.
Ақиллаб ётганда бўрилар итдек,
Тулкиларга қолди кунимиз...

2003

ИРВОГАР

Индамай турсанг агар,
Нега жимсан, дер улар.
Агар гапириб қўйсанг,
Ўзи кимсан, дер улар.

2003

АВЛОДИ БАШАР

От кўтаргай, фақат отнинг зарбини,
Ит ҳам сезар, ҳатто итнинг жабрини.
Фақат инсон зоти буни қарангки,
Титиб юрар бир-бировин қабрини...

2003

ТАРИХ КИТОБ

Аждодларнинг шиддатли,
Қадамлари зарбидан.
Шаҳд ўсиб бораверар,
Авлодларнинг қалбida.

2003

ВОАЖАБ!

Тулки боласига насиҳат бериб,
Одамлар ҳақида уқтирав эди.
Эпласант, тулкидек айёрглик қилгин,
Одамлардек айёр бўлмагин, деди.

2003

ХАВОЙИЛИК

Хамирни қорған билан,
Дарров нон пишиб қолмас.
Юлдузга құл узатсанг,
Қүлингга тушиб қолмас.

2003

ҚАРАНГ-А-А-А!..

Энг юксак чүқкіларда,
Яшаса ҳам чумоли.
Пасту баланд фарқини,
Англамоғи гумонли...

2003

БИЛИНГ...

Билинг, кимники агар,
Елғони күп ростидан.
Боши гавғодан чиқmas,
Душмани күп дүстидан.

2003

ХУРОФОТ

Агар хурофот билан,
Тұлдирсанг гар күнглингни.
Фарқин сезмай қоласан,
Тушинг билан ўнгингни.

2003

ӘХТИЁТ ҚИЛ...

Құрқма агар тош күрсанг,
Душманингни қулида.
Әхтиёт бұл, ишқилиб,
Тош бўлмасин дилида.

2003

БОЛА ЭДИМ...

Бола эдим, гүдак эдим, гул эдим,
 Катталар ёлғончи, деб билар эдим.
 Катта бўлсанг, ким бўласан, десалар,
 Албатта, ёлғончи бўламан, дердим.

2003

ФИЙБАТ

Кимки ул ўз
 номини паст қиймат қилур,
 Ўтган, кетган
 учраганни фийбат қилур.

2003

ЎТГАН АСРДА

Саксонинчи йиллар тилни эсладик,
 Тўқсонинчи йиллар элни эсладик.
 Тил бўлди, эл бўлди лекин тарқоқдек,
 Муштарак этмоққа дилни эсладик.

2003

ҒАЗАБ...

Иғво қилавермá, нодон
 Ҳадеб ортимдан.
 Балки эрта ишинг битар,
 Менинг номимдан.

2003

МАСЖИДДА

Ҳар ким ўз касбини эпласин экан,
 Баъзилар уринар ярашмаса-да.
 Ўзини кўрсатиб баъзи кофирлар,
 Масжидда жойнамоз талашмаса-да.

2003

ОТАМА НАСИХАТИ

Үғлим, эхтиёт бўл сафарга чиқсанг,
Тўсиқлар кўп, дея отам панд берди.
Отажон йўлимда тўсиқни кўрдим,
Афсус, ёнимдаги одам панд берди.

2003

ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ

Савоб ва гуноҳнинг не деб замирин,
Отамдан сўрадим яшамоқ сирин.
Падарим уҳ тортиб сўз қотди шу он,
Тарихи олисдир, ўғлим, ҳар бирин.

2003

ИШҚ

Савдолар ичра энг оғиридир ишқ,
Башарнинг аввали охиридир ишқ.
Ишқ бу асли дунё ботини лекин,
Куйган кўнгилларнинг зоҳиридир ишқ.

2003

ЭЙ, ДЎСТИМ

Эй, дўстим, дилдаги қарорга боққин,
Савдоси тўхтамас бозорга боққин.
Ўтганлар руҳини ёд этай десанг,
Дунёни четга сур, мозорга боққин.

2003

...ГА

Ўлчашга уринма ҳадеб бўйимни,
Нархлашга шошилма хаёл ўйимни.
Мени таҳлил қилмоқ сенгамас, билсанг,
Сенсиз ҳам биларлар Аҳад Қаюмни.

2003

ЭЙ, НОДОН

Эй, нодон, мен сенга бир сирни айтсам,
 Сүзларимдан ҳайрон бўлмагин ҳеч ҳам.
 Инсон қадрини сен ўйинчоқ қилма,
 Отангнинг пулига келган бўлса ҳам.

2003

КИМЛАРДИР

Кимлардир ҳаромдан лаззат топдилар,
 Ўзгалар номидан ифво сотдилар.
 Йўлларига кимдир тўсиқ бўлса гар,
 Пок номларин булғаб иззат топдилар.

2003

ГОҲ...

Уйимни соғинсан боролмадим гоҳ,
 Дўстимнинг кунига яролмадим гоҳ.
 Ҳою ҳавасни ҳам муҳаббат билиб,
 Севгилим кўзига қаролмадим гоҳ.

2003

БАХТ ИЗЛАБ...

Бахт излаб кимлардир ҳар ён чопаркан,
 Кимлардир сабрдан баҳтин топаркан.
 Во ажаб, баъзи бир зоти нокаслар,
 Бир пул учун дўстини ҳам сотаркан.

2003

СИНИШИМНИ СОҒИНГАНЛАРГА...

Тўсиқлардан омон ўтдим, қўл бермасанг ҳам,
 Юрак деган дўстни топдим, дил бермасанг ҳам.
 Бероҳликдин гоҳи учдим осмонларга мен,
 Гоҳи ер остидан юрдим, йўл бермасанг ҳам.

2003

Мени шигелатта, ҳаёт!

УМР ДЕГАНИ БУ...

Асл бахтнинг илдизин сабрда кўрдим,
 Тириклик мезонин қадрда кўрдим.
 Умр дегани бу бир уйқу экан,
 Уйғонмоқлик сирин қабрда кўрдим.

2004

ДУНЁНИ БУЗМА

Бирор тўғри йўлга бошласа сени,
 Суҳбатидан қочмоқ чорасин тузма.
 Тан олгинг келмаса нодонлигингни,
 Бекорга чираниб дунёни бузма.

2004

МАЙДОНДА

Кимdir жон ҳолатда майдонга кириб,
 Мен хўроzman, дея кўп даъво қилди.
 Лекин товуқлардек ахлатга кириб,
 Ҳаммаёқни булғаб, хўп расво қилди.

2004

МУҲАББАТ ДАРДИГА

Муҳаббат дардига даво излама,
 Булбулсиз чамандан наво излама.
 Севфинг тоза бўлса, қалбингда аспа,
 Лекин бевафодан вафо излама.

2004

СИНГЛИМГА НАСИҲАТ

Маҳнисога

Ҳар ниятга етмоққа, Оллоҳ бизга йўл берган,
 Бу йўллардан ўтмоққа, оёқ билан қўл берган.
 Кўз, қулоқ ва юракни ақлга бўйсундирмоқ чун,
 Тилни восита айлаб, алоҳида дил берган.

2004



ИСМИНГ АЙТИБ

Кўзларингда баҳор мавжланар,
Нигоҳингдан эриб кетар қор.
Исминг айтиб куйим авжланар,
Исминг айтиб жаранглайди тор.

2004

РАУФ ПАРФИ

Шоир шеър ёзарди, одамлар ўқиб,
Дердики: шеърингни тушуниш қийин.
Ҳамма сўзин бир-бир олишди уқиб,
Афсус, ўша шоир ўлгандан кейин...

2004

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ...

Ман сабрнинг суратиман,
Ман умиднинг журъатиман.
Ман армоннинг улфатиман,
Ман Тангрининг қудратиман...

2004

ИККИНЧИ УМР

Гулни узсанг бандидан, сўлди дегани эмас,
Жон узилса яшаб ҳам, бўлди дегани эмас.
Гоҳо яхшилар умри, қабрдан бошлангайдир,
Гўрга кирди дегани, ўлди дегани эмас.

2004

ҚАЙТАР ДУНЕ

Шикаст еб нодон дастидан.
Үйлаб ғамгин ғуссаларни.
Худо урсин, деб қарғамант,
Худо урган кимсаларни.

2004

Мени йиғлатма, ҳаёт!

О, СЕВГИЛИМ...

Баҳор келар булатларнинг ортидан,
 Садо келар сукутларнинг ортидан.
 О, севгилим, исминг айтиб келяпман,
 Сени излаб ошиқларнинг юртидан.

2004

МАНСАБ

Эшакнинг даври келса,
 Отниям тепиб ўтар.
 Бу ҳам камлик қилгандай,
 Ҳанграйверади баттар...

2004

КҮРОЛМАЙДИ-ДА...

Хато қылсам, кўриб кимдир,
 Сиқилма, деб жилмайди.
 Сезиб турдим, ичида –
 Деди: Одам бўлмайди...

2004

ИШОННАВЕРИНГ...

Айрим қизлар илондек,
 Кириб олиб қўйнингга.
 Сўнгра сиртмоғин солиб,
 Дор қиласи бўйнингга.

2004

ХУДБИН

Ўзи учун нелар қилмади бу зот,
 Ишлатиб ақлию, қанча фаросат.
 Ватан учун айтгин, не қилдинг, десам,
 Тили ҳам айланмай қолди-ку ҳайҳот!

2004



ЭНГ АҲМОҚ АЁЛ

Эркак кишининг жаҳли ёниб турганда, ақл ўргатишга ҳаракат қилган аёл, энг аҳмоқ аёлдир.

2008

ХИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Дўстлар орасидаги ҳаддан ортиқ ишонч ва лоқайдлик кўпинча хиёнатга олиб келади.

2008

ҲЕЧ ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ

Дунёдаги ҳамма сувлар кўзёшга айланиб бўлганмикин.

2008

БИЗНЕС УЧУН ФОЙДАЛИ

Эркак кишининг ҳаддан ортиқ гўзалликка зътиборли бўлгани фақат қалб учун бўлгани яхши, бойлик, мансаб, аёллар билан ортиқча муносабатлар асосий йўлдан чалғитиб қўяди.

2008

МОДДИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Оила бу иккита устундан иборат тушунчадир. Яъни, моддият ва маънавият. Моддиятга асосланиб қурилган оила маънавиятсизлиги туфайли барибир бир кун завол топади ва аксинча.

2008

ШАХС

Инсонни кузатишлар ва тажрибалар ўстиради. Ўқиш ва билим шахс қилиб тарбиялади. Ният эса манзилга олиб боради.

2008

ЮТУҚЛАР

Меҳнатнинг маҳсулини кўриш, асосан икки томонга йўналади, биринчиси янам кўпроқ меҳнат қилиш, иккинчиси эса ҳаволаниб кетиш оқибатида хаёлпарастлик ва ишёқмасликка олиб келади.

2008

ЗАМОН, ЗАМОН КИМНИНГ ЗАМОНИ...

Ёшларнинг хатти-ҳаракатлари юқори авлод учун кўпинча хатолардан иборатдай туюлади.

МОҲИЯТ

Умрнинг мазмуни фақат келажак ҳақида қайғуриш эмас, бутуннинг моҳиятини англаш ҳамдир.

2008

ЙЎҚОТМОҚ ҲАМ ТОПМОҚДИР

Инсон кўп ҳолатларда йўқотган нарсалари ҳақида ўйлади ва қайғуради. Ақёли одам учун йўқотмоқ ҳам бир сабоқ мактаб, яъни топмоқдир.

2008

АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

Аёллар ва Эркаклар ўртасидаги муносабатларда ҳеч қачон изоҳ бериш ёки психологияк аниқ ташхис қўйиш мумкинмас, чунки кузатувлар натижасида ўша маслаҳатсевар психологларимизнинг ўзлари кўп ҳолатларда ўз шахсий ҳаётларини ўзлари тўғри йўлга сола олмаганликларидадир.

2008

НОМУТАНОСИБЛИК

Имконизлик ҳам бир имкондир, имконият ҳам бир имконизликдир.

2008

АЁЛЛАР ОРЗУСИ

Агар ҳамма аёлларда ҳам эркакларда берилган имконият берилганида эди... дейди баъзи аёллар. Бу-ку ёмон ният эмас, энг қизиги шундаки, унда инсониятга яшашнинг нима қизиги бор.

2008

АФСУНГАР ДЎСТИМ

Вақт! Қанийди, берастган мукофотларинг олаётган жаримангдан катта бўлмаганида эди, эй афсунгар дўстим. Сен энг покиза фариштасан, сен энг ваҳший жаллодсан...

2008

АЁЛЛАР ОДАТДА...

Аёллар, одатда кимнидир алдайман деб ўзларини алдаб қўядилар.

2011



Биз кутган КҮН

Келади бир кун,
Аммо, БҮГҮН

Бўлмас ўша кун...

2008

Севиш учун улкан **ЮРАК** керак.

Севги нималигини билиш учун, албатта севиш шартми?

Ахир, ўлим нималигини билиш учун, албатта ўлиб кўриш шарт эмас-ку...

Аммо, баъзи нарсаларнинг шарпаси ўзидан ҳам кўра ваҳималироқдир...

2009

ҚЎРҚУВ...

Инсон қилған хатоларининг ёмон оқибатлари қачондир рўй бериб, юзага чиқишини билади, олдиндан сезади ҳам, кутади ҳам, ҳатто ўзини худди ҳеч нарса бўлмайдигандек ҳис қиласди.

Ўша офат рўпарасидан чиққанида эса сени кутмагандим деб қарши олади ва ҳисоблашишга мажбур бўлади.

2008

СЕВГИ БУ...

Севги бу, аввал ширин сўзлар билан ўзига маҳлиё қиласди-ла, секин билдирмай оёқ-қўлларингни кишанлаб олади.

2011

АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Аёллар ҳақида гапирганда, уларнинг келажаги ҳақида гапириб бўлмайди, факат ўтган ишларига баҳо берилади.

2011



РОМАНТИК ҲАЁТ

Севгига эхтиёжинг борми, демак романтик ҳаётга интиласан, аслида ўша ўзингни атроф муҳитингни борича романтика деб қабул қилишинг керак, бўлмаса ўзингни жуда кўп қийнаб қўясан.

2011

ҲАЁТ

Ҳаёт бу шундай денгизки, ирмоқлари қаердалигини баъзан ўзи ҳам адаштириб қўяди.

2011

МЕНИНГ ФИКРИМЧА

Менинг фикримча, "менинг фикримча" деб сўз бошлайдиган инсонлар ҳаммаданам кўра худбинроқ бўладилар, менинг фикримча, шулардан энг биринчиси бу менман.

2011

ЭРКАКЧА ҚОИДА...

Аёл киши сендан ранжидими, демак бу сенга бўлган эътиборидан. Фақат майдакашларча ўзингни ҳақлигингни исботлашга ҳаракат қиласанг, вақти келгач, агарда ростданам сен ҳақ бўлсанг, у сенга албатта яна қайтади.

2011

НАФОСАТ

Мен шундай аёлни биламан, у ҳаммадан баҳтли эканини фақат аёллигини унугмаганлигида деб билади. Уни онамдай яхши кўраман.

2011

ТАҚКОСЛАШ

Кимдир ўзини биронга солиштира бошладими, демак нимадир камчилигим бор, деб ўйлайди.

2011

БОРИМ ШУ, НИМА ДЕЙСИЗ...

Азизим, ўзимни яхши кўрмаганимда, сени бунчалик қаттиқ севолмасдим.

2011



ВАҲШИЙЛИК...

Инсон ҳеч қачон ўзини ҳайвон ўрнида тасаввур қилолмайди, аммо бир йўла ундан баттар ишларни қилади.

2011

МУҲАББАТ

Сени севмасдан олдинги ҳаётим худди тушга ўхшайди.

2011

ҲАЁТ ҚИМОР ЭМАС

Бу ҳаётга ҳеч қачон қимор деб қарамаслик керак, унга бемор деб қараш керак, унга ёрдамга шошилиш керак.

2011

МЕН СЕНИ СЕВАМАН

Мен сени севаман, қачонки мени севгандарни камида, менчалик севсанг.

2011

ФОЖИА

Мен уни жонимдан ортиқ севардим. Лекин ҳеч қачон ўзимдан устун қўймасдим, балким шу сабаб биз бирга бўлолмадик.

2011

ҚИЗЛАРНИНГ ЁН ДАФТАРИГА

Қизлар муҳаббатни кинолар ёки китоблардан кўра кўпроқ оиласидан, онасидан ўрганса, фойдалироқ бўлса керак.

2011

ТИНГЛА, БУ КЎНГИЛНИНГ САДОСИН, ЭЙ ДЎСТ

Эркак киши ҳар доим, аёл олдида эркаклигини унутмаслиги керак. Ўрни келганида, жим туриб ҳам сўзлашни ўрганиши керак.

2011

ХУШОМАД

У гўзал эди, у бетакрор эди, унинг йўлига кимлар зор эди, кимлар интизор эди, ошиқлари қатор-қатор эди... Энг ёмони шунда эдики,

буни ўзиям биларди. Аёл кишига қанчалик кўп хушомад қилсанг, бошингга шунча кўп дард орттиран.

2011

АЛДАНГАН ҚИЗ

Япроқнинг устидаги томчи шабнамни қузатганмисан, у биринчи бор севилиб, биринчи бор алшантан қизнинг кўзёши.

2011

МУҲАББАТ ОСТОНАСИ...

Юрак бутун бошли заводга ўхшайди, қолган ҳамма ҳислар унга оддий ишчиларилир, ақл ҳам, хаёл ҳам қулоқ ҳам...

Кўз эса юракка дарвазадир...

Бечора юрак кўзга ишонади, кўз эса юракни беаёв алдайди ишончига хиёнат қиласди. Севгилинг ҳаммадан тўзал дейди.

Юракнинг ёп-ёргу осмонини зулматга айлантиради.

Ҳар доим нигоҳлардан бошлангай муҳаббат остонаси...

ОҒИР МУАММО...

Аёл кишининг меҳри, эътиборини қозониш учун узоғи бир кун етарли, аммо ўрганиш учун бутун умр оз.

2011

ХАЗОНЛАР ҚЎШИФИ

Хазонлар қўшигини тинглашга ҳаракат қилганмиз, ундан мозорлардан келадиган беаёв оҳанг келиб туради.

2011

СЕЗГИ

Аёл кишининг юзида ўзгариш сездингми, демак у сендан ниманидир яширяпти.

2011

ХОТИНЧАЛИШ

Ҳар қандай аёлни бир кўришдаёқ баҳосини бераман деган эркакнинг аёллардан фарқи кам бўлади.

2011 •



ЗАХРИ ҚОТИЛ

Асаблар, одатда жаҳлинг чиққанида, миядаги кераксиз ҳамма қувватингни сўриб, ўзингта нисбатан қарши қўллайди.

2011

КЎНГИЛ ОФРИГИ

Кўнгилнинг оғриғи шу даражада ёмонки, у ҳамма тана аъзоларини ҳам оғрита олишга қодир куч.

2011

АЙРИЛИҚ ЖАРОҲАТИ

Эскирган кийимни кимгадир берворасан, эскирган гапларни унутасан, эски танишларни жанозасида эслаб, йўқлайсан қабрида, агар эслагинг келса...

Аммо муҳаббатда-чи?

У вақт ўтган сари янгиланаверади...

Юрагингни ғижимлаб бир қисм тупроққа айлантиргунча қўймайди, бу севги деганлари...

2011

МЕЗОН

Бугун ҳеч қачон тутамайди, эрта эса ҳеч қачон бошланмайди.

Бу мезонлар фақатгина инсоният ўзи ўйлаб топган ва ўзингни ўзинг алдаш учун шунчаки қонундир...

2011

ТАФАККУР

Ҳар бир инсоннинг умри бутун бошли китоб, у ўзи сезмаган ҳолда бу китобни ёзиб боради.

Ҳар бир инсоннинг умри бутун бошли бир кино, у ўзи сезмаган ҳолда ўша фильмда ўз образини ўйнайди.

Ҳар бир инсоннинг умри бутун бошли бир сурат, мусаввир қўлида умр чизгилари чизилиб бораверади.

Ҳар бир инсоннинг умри бутун бошли бир иморат, у ўша иморатни ўзида қуради ва яшайди.

Биз ўтмиш ва келажак ўртасидаги бир бўғинмиз, бир кўприкмиз, бир ўткинчи йўлмиз, шундай экан, ўтмишдаги аждодлар ишончини оқлаб, келажакка арзигулик китоб бўлайлик, энг моҳир ижрочи



актёр бўлайлик, келажак хотирасида энг ёрқин сурат бўлайлик ва ўз умр биномизни санъаткорона қурайлик...

2011

ҲАЁТ ФОРМУЛАСИ

Бизнинг ҳаёлларимиз дилимизда, саволларимиз тилимизда, тақдиримиз эса қўлимиздадир, бу яшашнинг энг оддий формуласи.

2011

ОТА ҚАДРИ

Мен отамнинг сўзларига авваллари тушунмасдим, тушунганларимга эса ишонмасдим... Онамга эса талпиниб, ҳар доим меҳрига муҳтожлигимни ҳис қилардим. Ўзим эркаклигимни, қачондир ота бўлишимни ҳис қилганимда эса, отамни шу қадар тез ҳис қиляпманки, ҳам уни тушуняпман, ҳам унга ишоняпман...

2011

ТАЪНА

Инсон нафснинг сўзига кириб хиёнат қилади, хўш унда нега ақлга таъна қилади.

2011

ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Чумолидаям, филдаям жон бор, қон бор икковиям яшаш учун, ҳаёт учун курашади...

Ҳар бир жон, шу жумладан инсон ҳам тақдирига кўниб яшашга мажбурдир.

2011

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ...

Аёлларнинг кўзёни, бу пушаймондан эмас, аксинча ўзининг ҳақлигини шу йўсинда изоҳлашта уринишdir.

2011

РУҲИЙ ЧЕКСИЗЛИК

Ҳар бир буюкликка интилаётган ёш авлод ўзини тоққа қиёслайди, тоғлар жуда юксак, шу даражада юксак чўққилар борки, ҳатто



булутлардан ҳам баланд. Менга ҳам булутлардан юқорисини күриш қизиқ.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Мевали дараҳтлар ичидә энг зўри ва серҳосили бу пайвандланган дараҳтдир. Нега зўрларнинг боласи зўр бўлмайди. Чунки, ҳеч қачон пайвандланган дараҳтнинг остидан пайвандланган ниҳол ўсиб чиқмаган. Ёввойи кўчат бора-бора тиканакка айланади.

Шу сабаб устоз ва шогирд тушунчаси ҳеч қачон ўлмайди.

ВИЖДОН

Дунёда энг қиммат нарса виждон. Унинг нархи ҳеч қачон тушмайди. Дунёни пул билан ўлчайдиганлар виждонларини сотиб бойиган одамлардир.

ЁШЛИК ФАСЛИ НАВБАҲОР...

Гулнинг ҳам гуллик даври бўлади, агар тўлиқ гуллаб кейин мева солса, ўша мева яхши етилади, агар шамолда ё ёмғирда қолиб кетмаса, на мева на гул бўлиб қолади.

Ёшлик ҳам шунга қиёсдир.

МЕН ШЕЪРИМНИ СОТМАГАНМАН...

Шоир учун сўзни сотиш бу Ватанини сотишдай гап.

ЎЗИМГА ТАНБЕХ

Ҳар бир нафасни буюклардек олиб, худди буюклардек қадам ташлаш керак. Зоро, улар ҳам инсон боласи. Фақат кўр-кўроналик инсонни йўққа чиқаради.

ФИДОЙИЛИК

У аэропортда яшарди.

Кунига минглаб одамларни дунёning ҳар томонига жўнатаб ва шунча одамни кутиб оларди.

Ўзи ҳеч қаёққа бормаган бўлса-да, ўзини бир дунёдек ҳис қиларди.

Бу худди ўзи бирор марта севмай туриб, муҳаббат ҳақида бонг уриб ошиқликни даъво қилаётган шоир аҳволини эслатади.

Бутун дунёни биргина юрагига сиғдиришга ва елкасига ортишга қодир эй аэропорт ишчиси, эй телба ва оловқалб шоир! Мен дунёни сиз икковингизсиз тасаввур қила олмайман.

"ОТАРЧИЛАР"га

Эшак ҳеч қачон аҳмоқлигини тан олмайди. Ҳанграйвергани сари ҳамма унга қарайверса, боиқаларга ёқяпти деб ўйлади.

ОРЗУЛАР ЧЕГАРАСИ

Орзулар шу қадар озод парвоз этадики, чегара қаердалигини адаштириб қўяди. Кўпинча армон уларни ҳайиқтириб қўяди.

ЧЕКИННИШ

Инсон баъзан атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тушга айланаб қолишини истаркан, ҳаёт ташвишлари, кундалик эҳтиёжлар учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиққанингда, кўз олдингда болалигинг намоён бўлади. Эҳ, қани энди ҳаммасини бошидан бошласам, дейсан.

Бу фикрга келишимда, ўйлаб қарасам, қисман мұхитнинг ҳам таъсири бор экан. Тушкун кайфиятда юрган кезларимда атрофдагиларнинг турмуш тарзи жудаям қадрли туюларди. Бу эса, ҳаёт олдида ожизлик қилаётганимда нишона беради. Кейин, ўзимча ўйлай бошлайман, менинг кимдан камим бор.

Йўлнинг ярмида карвондан ажраб қолишни исташ, бу йўлсизлик сари юз буриш эмасми?!

МУНДАРИЖА

Бахтинг калитини топгин, азизим	3
Яқын ўтмиш	4
Хаёт, менга имкон бер хаёт	7
Йиглайди күнглим	8
Нега хиёнат қылдинг?!	9
Бу дунёга бегона дилман!	10
Савол	11
Йиглайман	12
Чидолмадим	13
Мени йиглатма, ҳаёт	14
Онамга хат	15
Согинч	15
Севаман деб айт	16
Хаёли бир қызни севди, бу дилим	17
Куринглар...	17
Айт, азизим	18
Саволим бор	19
Эй, ҳаёт	20
Шукр	20
Васлинг умидида	21
Умидсиз севгим	22
Айт, эй ҳаёт?	23
Үйламоғдым	24
Севишни бишлиш керак	25
Алвидо дер	26
Ота	27
Эркак йигламасин!	28
Охир замон	31
Келмадинг	32
Согинсам нетай	33
Сендей гузал	34
Ваган	35
Оқил одам	35
Ёлгизликдан эзилиб кетдим	36
Сени эсласам	37
Үзим бозор, узим харидор	37
Севаслигинг кеч билдим	38
Сени асло кутмасман	39
Бемаъни хаёл	39
Ким ўйлади бу ватанини..	40
Онамнинг бағрида...	42
Кечиролмайман	43

Кимлардир	44
Мұхаббат нима у?	45
Севгининг қадри	46
Эхтиёт бўлинг...	46
Юракдан нарёқса чиқмас овозим	47
Софинч	48
Шарт эмас	49
Замонавий шиор	49
Қаерда юрибсан, мұхаббат?	50
Кечир	51
Донолар	51
Сизга ишонмайман	52
Тұхтамасин сени севишдан	53
Мени кутма, Ниуфар	54
Эссиз, мұхаббат эссиэз..	55
Устознинг айтганини қыл-у...	55
Айтишув (қүшиқ)	56
Үшал кунни кутиб яшайман	57
Билардим, сезардим	58
Истрофәрчилик	58
Тасодифан севиб бўлмайди	59
Үлдирса, севги ўлдирисин	60
Севиб қолишидан қўрқаман	61
Ёлвораман	62
Бойлик деб	62
Ҳеч ким	63
Қисматимни асролмадим	64
Бугун бўлдинг белона	65
Боғбон кўпайди	65
Мұхаббатсиз баҳтни баҳт демас	66
Қачондир сен мени ёдга оласан	67
Ширин ёлғонингга алладинг, севги?	68
Тангри мени севмасмикин	69
Висолингга қачон стаман..	70
Кутаман токайгача	71
Онажон	72
Кўнглим йиглайди..	73
Маликам	74
Эй дилором	75
Нима истайсиз?	76
Борим эдинг сен	77
Согинчингиз	78
Ачинаман сенга, атиргул	79
Дунёда энг ёмон баҳтсизлик	79

Алабиёт, эшикларинг оч	79
Ичимда...	80
Мен бахтиман	80
Иход бу...	80
Ишдан чарчаб келиб	81
Билдим...	81
Орзу	81
Отамнинг ўгити	82
Шеър экан деб...	82
Олтин деб олганим...	83
Кулишни истасанг...	83
Чекиниш...	83
Атрофимизда...	84
Дўстларим қадримни...	84
Дардинг билмаса дўстинг...	84
Сотиб кетди дўстларим	85
Яхши одам ўтса дунёдан	85
Шаҳарда яшасанг	85
Тўгри қиляпманим?	86
Умр	86
Ҳақиқат	86
Тўртликлар	87
Устоzlар ўгити	87
Бир кам дунё	87
Мавхумлик	87
Ўрмон	88
Игвогар	88
Авлоди башар	88
Тарих китоб	88
Воажаб	88
Ҳавойилик	89
Қаранг-а-а-а...	89
Билинг...	89
Хурофот	89
Эҳтиёт қил...	89
Бола здим...	90
Ғийбат	90
Ўтган асрда	90
Ғазаб...	90
Масжидла	90
Отам насиҳати	91
Оталар сўзи – ақлнинг кўзи	91
Ишқ	91
Эй дўстим	91

...га	91
Эй нодон	92
Кимлардир	92
Гоҳ...	92
Бахт излаб..	92
Синишимни соғинганларга...	92
Умр дегани бу...	93
Дунёни бузма	93
Майдонда	93
Мұхаббат дардига	93
Синглімгә насиҳат	93
Исмінг айтиб	94
Рауф Парфи	94
Сиз нима дейсиз...	94
Иккінчи умр	94
Қайтар дүнё	94
О, севгілім..	95
Мансаб	95
Күролмайди-да...	95
Ишонаверинг...	95
Худбин	95
АФОРІЗМЛАР	96

АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Истеъдодли ижодкор Аҳад Қаюм 1987 йил 15 июнда Бухоро вилояти Шоғиркон тумани Денов қишлоғида таваллуд топган. 2004–2008 йилларда Тошкент давлат ахборот технологиялари университетида таҳсил олди. Шу билан бир вақтда "Мұхаммад Юсуф" номидаги адабий-ижтимоий фонд қошидаги "Олтин қалам" газетасыда мұхаррир ўринбосари вазифасыда ишлаб, бадий ижод билан шугулланды. Ҳозирги кунда Аҳад Қаюмнинг бир қатор шеърлари таниқли хонандалар томонидан күйлаб келинмоқда. Аҳад Қаюм "Шу Ватан" қүшиғи учун Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг маҳсус сертификати билан тақдирланган. У "Жийда гули" телесерияли учун ёзилган маҳсус шеърлар ва қўшиқларнинг, шунингдек 2010 йилдаги темирийўлчилар мадҳиясининг ҳам муаллифидир. "Яна соғинидим, яна" қүшиғи 2010 йилда "Йилнинг энг хит таронаси" деб эътироф этилди.

Аҳад Қаюм буғунги кунда Озодбек Назарбеков, Зулайҳо Бойхонова, Ботир Қодиров, Хуршид Расулов, Гуломжон Ёқубов, Шерали Жўраев, Шоҳжаҳон Жўраев, Зоҳиршоҳ Жўраев, Юлдуз Турдиева, Нодир Умаров, Фиёс Бойтоев, Дильтод Раҳмонов, Дилдора Ниёзова, Анвар Фаниев, Анвар Санаев, Анвар Собиров, Абдуҳошим Исмоилов, Мусахон Нурматов, Мансурхон Нурматов, Нодир Аракулов, Абдурашид Йўлдошев, Абдували Ражабов, "Сарбон" гуруҳи, Шуҳрат Қаюмов, Ўлмас Оллоберганов, Сойиб Ниёзов, Сардор Раҳимхон, Алишер Файз, Анор Назаров, Дилором Омонуллаева, Сарвара, Ойбек Ҳамроқулов, Отабек Раҳим, Баҳром Назаров, Жасур Умиров, Жалил Мавлонов, Акбар Атамұҳаммедов, Абзалбек Ҳусанов, Элдорбек, Мурод Манзур, Раҳматулла Раупов, Юнусбек Юсуф, Фазлиддин Раҳмон, Равшан Комилов, Фарруҳ Комилов, Фарҳод Файз, Наргис, Афсона, Шоҳруҳон, Жамшид Абдуазимов, Зиёла, Сироҳиддин, Рухшона, Далер, Манзура, Дағрон Эргашев, Самандар Ҳамроқулов, Райҳон, Шаҳнозабону, Ҳумоюнмирзо, Дилмурод Мусаев, Азиз Бекмуродов, Алишер Узоқов, Ёдгор Мирзажонов, Дилсўз, Робия, Шаҳзода, "Уммон" гуруҳи, "Божалар" гуруҳи, Ўқтам Мирзо, Муроджон Сойибназаров, Шароф Муқимов, Жамшид Ниёзов, Зилола, Ойбек Тўхтаев, Феруза Асадова, Зуфарбек Бобоқулов, Алижон Исоқов, Иброҳим Расулов, Сайд Мухтор, Санжар Шодиев, Шуҳрат Мав-

лонов, Санжар Сайфуддинов, Умид Эргашев каби таниқли санъаткорлар билан актёрлик ва қўшиқчиликда доимий ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. У "Ҳаёт жилғалари"да Дамин, "Жийда гули" телесериалларида Аҳад Қаюм, "Девона фарншта"да куёв, "Оқпазар" фильмларида Ёлгор образларини яратди. Шоир "Бегубор орзуларим", "Девона фаришта", "Умид", "Сабоқ", "Дада", "Сароб", "Танго ёхуд адашган соччилар", "Пойқадам" "Фармацевт", "Қора илон", "Осиё банди", "Сенги фариштаси", "Ёлғизгинам", "Оқпазар", "Марям", "Кўча" номли фильмлар учун ёзилган маҳсус қўшиқ-саундтреклар матни муаллифи ҳамдир.

2010 йилдан бошлаб у адабиёт ва санъатга ихлосманд ёшларни қуллаб-куватлаш мақсадида ташкил этилган "АҲАД ҚАЮМ" продюссерлик марказига раҳбарлик қилимада.

Шоир ижодий фаолиятининг янги қирраларини янада кўпроқ намоён этиш мақсадида бугунги кунда кўплаб дизайннерлик ва маънолик қлип лойиҳалари устида ҳам тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

Биз серқирра ижодкор, ёшларнинг севимли шоири, санъатнинг бегубор осмонида ёрқин юлдуз каби порлаётган Аҳад Қаюмга улкан ижодий парвозлар тилаб қоламиз!

Аҳад Қаюмнинг қатор шеърлари таниқли қўшиқчилар томонидаң куйлаб келинмоқда. У бугун тинмай ижод қилаётган овони уйғоқ, фикри тиниқ шоирдир.

2010–2013 йилларда ёш ижодкорнинг:

1. "Яна соғинидим, яна" – (2010).
2. "Синишимни соғниди кимлар" – (2011).
3. "Йиглама, ўзимнинг фариштагинам" – (2011).
4. "Бегим деманғ, бегойим" – (2012).
5. "Сўнгти қўнғироқ" – (2012).
6. "Ёлғизман" – (2012).
7. "Отамга ўхша, ўглим!" – (2013).
8. "Вақт" (ёхуд шовқинлар исқанжасида) – (2013).
9. "Алданған қиз" – (2013).
10. "Сенгидан кечмайдилар" – (2013).
11. "Қизми бу, кийикми бу?!" – (2013) номли тўпламлари нашрдан чиққан.

ИЖОДИЙ ЖАМОА

МЕНИ ЙИГЛАТМА, ХАЁТ!

(шеръ ва афоризмлар тўплами)

Масъул мұҳар.: Шукур Жаббор

Мұҳаррирлар: Салима Бадалбоева

Гулчехра Мұхаммаджон

Тех. мұҳар.: Наргиза Содиқова

Дизайнер: Нодир Шарипов

Оператор: Нигора Мұхитдинова

Теришга берилди 23.05.2013. Босишга рухсат этилди
05.08.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
гарнитураси. Шартли босма табоғи 7,0. Нашр босма
табоғи 7,0. Адади 10 000 нусха. Буюртма №37.

Нашриёт лицензияси: АI №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.